



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

e-mail: uzas@b2c.uz

2012-yil 7-sentabr • №36 (4175)

БУ ЙЎЛЛАР КЎП ЯНГИ ЙЎЛЛАР

Хар куни ишга бораётганимда эрта тонгданов сув сепадиган машиналар шаршарасида чўзилган тоза ва саришта йўлдан юраман. Унинг икки ёқасидаги қатор манзарали дарахтлар, ранг-баранг гуллар баҳри дилингни очади. Йўлнинг асфалт либоси обдон дазмолланган костюм-шимдек тин қора, силлиқ. Ёқаларидаги хошиялари, белдаги белбоғлари оппоқ...

"Истиклол" кўчасидан ўтайдиган 65 автобустга ўтираман. У Самарқандда ишлаб чиқарилган. Йўловчилар учун жуда қулай. Шаҳар ичида тез ва чаққон юради. Ҳашаматли "Мерседес"лар билан қувлашиб манзилга қандай етганингни билмай қоласиз. "Навоий" шохкўчасидан ўтаётганимда янги қурилган тураржой биноларидан завқланаман. Оппоқ мрамор қошинлари кўзни олади. Янги экилган каштан кўчатлари, йўлакларга тўшалган чиройли тошлар ҳам "Истиклол" кўчасидаги ажойиб манзараларга мос, келинчакнинг тиллақошидек гўзал. Иморатлар эса қасрдек маҳобатли. Боғлар, сайлгоҳлар кўзни қувонтиради. "Истиклол" кўчаси одамлари ушчакчақ, қувноқ, Башанг кийиниб, сайр этиб юришибди. Ёш болакайлар кўм-кўк майсазор томон югуришади. Отаналар бахтиёр фарзандларига боқиб мамнун жилмайишади. Ёшлар серзавқ, ҳаракатчан. Баъзи ўсириллар велосипедларда гизиллаб учишмоқда.

Истиклол кўчасининг қизлари гўзал, латофатли. Шоирнинг сатрлари эсимга тушади.

Ёмғирга чўзилган тиниқ шамоллар Кўёш нури сепар қизлар юзига. Йўғрилиб ёнади йилги хабллар Атлас либосларининг рангинг исига.

Муסיқали, рангинг фавворалардан салқин шабада уфурати. Сув зарраларига тушган кўёш нурларидан атлас жилоларига ўшшаган камалак товланади. Фаввора қуйлайди, сувлар муסיқада рақсга тушади.

"Истиклол" кўчасининг қариялари-га боқаман. Дилларида шукрона, тилларида дуо. Бу кўчага "Амир Темур" шохкўчаси, "Шахрисабз" кўчаси, "Мустақиллик" шохкўчаси, кунчиқар тарафдан "Буюк ипак йўли" кўчаси туташади. Истиклол шарофати билан обод бўлган йўллар катта йўлларга бирлашиб кетади. "Европа — Кавказ — Осиё транспорт йўли", "Европа


— Осиё трансконтинентал автомагистрала" Ўзбекистон ҳудудидан ўтади. Юртимизни жаҳон мамлакатлари билан боғлайди. Узунлиги ўн минглаб километрга чўзилган қитъалар аро кўприк вазифасини ўтайдиган ушбу улкан ва маҳобатли иншоотларда Ўзбекистоннинг ҳам овоз ва обод йўли

Ватан учун яшашмак!

бор. Довонларимиздан, уларнинг белдаги туннеллардан Европа ва Осиё мамлакатларининг автомашиналари эмин-эркин қатнайверади.

Беихтиёр Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг Буюк ипак йўли ҳақидаги қуйидаги сўзлари ёдимга тушади: "Мен, салтанатимнинг бу томонидан то нарёнигача ёш боланинг бошига бир лаган марваридни қўйиб яёв йўлга солиб юборсам, у манзилга етгунча йиллар ўтар, бу бола улғаяр, лекин унинг бошидаги лагандан бир дона марварид тўқилмайди, йўлларни хавфсиз даражага етказдим..." Соҳибқироннинг буюк салтанати Деҳлидан то Болқонгача чўзилган ҳудудни эгаллаганини назарда тутсақ, бу йўл нақадар узун эканини, уни обод ва фаровон, тинч ва хотиржам сақлаш осон бўлмаганини англаймиз.

Давоми иккинчи саҳифада.



Пойтахтнинг Амир Темур шохкўчаси ва Кичик халқа йўли туташган чорраҳа.

Истиқлол шарофати билан ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларининг адабий меросини нашр этиш ишлари кенг тус олди. Сўнгги 20 йил ичида Аҳмад Ясавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр, Убайдий, Шох Фаробий, Комрон Мирзо, Хувайдо, Амирий, Феруз, Азимхожа, Комёб, Хислат, Мискин, Тавалло ва бошқа ўнлаб мумтоз шоирларимизнинг шеърини асарлари кўп бора чоп этилгани фикримизга далил бўла олади. Уларнинг айримлари илк бора ёки тўлиқ ҳолда нашр қилингани ва мумтоз адабиётимиз мухлислари қўлига етиб боргани қувонарли ҳодир.

ВАЗН ТАЛАБИ

Ёҳуа ғазалларга ғалзалиқлар хусусида

Бирок мазкур нашрларнинг аксариятида шеърини матни жорий ёзувга транслитерация қилиш (ўтириш)да кўплаб нуқсонлар учрамоқда. Айниқса, мумтоз шеъримизнинг асосий вази бўлган арузда битилган назм намуналарининг жорий ёзувдаги нашрлари нуқсонлар билан чоп этилаётгани ачинарлидир. Чунки вазн бузилган ҳолда кўчирилганда, шеърнинг оҳангдорлиги, муסיқийлиги, бадий гўзаллигига футур етиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам матншуносдан аруз вазинни пухта билиш ва бу борадаги ўз билимини айни жараёнда муваффақиятли қўллаш олиш талаб этилади. Афсуски, сўнгги йиллари матншунослигимизда аруз вази қоида ва талабларига риоя этил-

масдан нашр қилинаётган шеърини асарлар, тўпламлар сони ортиб бормоқда.

Мисолларга мурожаат қилсак. Хоразмлик шоир ва тарихчи Саид Хомидхон тўра Комёб (1861—1922) "Девон"ининг нашр қилиниши (Комёб. Девон. Т., "Университет", 2002) адабиётимиз тарихини ўрганиш учун яхши тўхта бўлди. Китобхонларга илгари нотаниш бўлган шоир девонидидаги ғазаллар билан танишиш ижобий ҳодисадир. Бирок ғазаллар транслитерациясидаги вазн билан боғлиқ хатолар мазкур нашрнинг илмий-адабий қимматига футур етказган.

Давоми учинчи саҳифада.

Пойтахтимизда Ўзбекистон спорт киноси ва телевидениеси федерацияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамкорлигида "Спорт кино ва телевидениеда" VII халқаро саралаш фестивали бошланди.

Ўзбекистон — жадал тараққий этаётган мамлакат, — дейди Халқаро спорт киноси ва телевидениеси федерацияси президенти Франко Аскани (Италия). — Ўзбекистонда маданият, санъат ва спорт соҳаларида халқаро фестиваллар, кўргазмалар ва нуфузли мусобақалар юқори савияда ташкил этилаётганидан яхши хабардоримиз. "Спорт кино ва телевидениеда" VII халқаро саралаш фестивали ҳам мамлакатимизда спорт ва санъатни ривожлантириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар бераётган самараларни жаҳонга янада кенгроқ танитишга хизмат қилади.

СПОРТ ФИЛМЛАРИ НАМОЙИШИ

Таъкидлаш жоизки, Халқаро спорт киноси ва телевидениеси федерациясига бугунги кунда дунёнинг юздан зиёд давлати аъзо. "Спорт кино ва телевидениеда" халқаро саралаш фестиваллари дунёнинг 14 шахрида ўтказилмоқда. Мазкур саралаш фестивалларида юқори ўринларни эгаллаб, ғолиб чиққан кино ва телевидение маҳсулотлари жорий йилнинг декабрь ойида Миланда ўтайдиган XXX Бутунжаҳон "Sport movies & TV" фестивалига тақдим этилади.

Пойтахтимизда ўтаётган халқаро саралаш фестивалига Ўзбекистондан ташкари АҚШ, Буюк Британия, Россия, Испания, Германия, Франция, Италия, Туркия, Австралия, Хитой, Хиндистон каби дунёнинг йигирмага яқин давлати ижодкорлари олтидан зиёд ҳужжатли фильмни тақдим этган. Хайрат аъзолари улардан ўттизтасини танлаб олди. Фестивалда ана шу ҳужжатли ва телевизион фильмлар, репортаж ва очерклар, ижтимоий роликлар намойиш этилмоқда.

Ўзбек ижодкорлари фестивалга Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Спорт» телерадиоканали, «Ўзбектефильм» давлат унитар корхонаси, «Ўзбекино» Миллий агентлиги, шунингдек, нодавлат телеканал ва киностудиялар томонидан тайёрланган мамлакатимиз спорти ҳақида ҳикоя қилувчи фильмларни тақдим этган.

Байрам АЙТМУРОВОВ, ЎЗА муҳбири

БИЛДИРИШ

Шу йилнинг 12 сентябр чоршанба кўни соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Оназиҳа — шеъринг" тўғрисидаги набатдаги машғулот бўлади. Машғулотга барча ёзувчилар таклиф этилади.

Мавзу: "Ўзбекистон" кўчаси, 16 А уй, 6-қavat. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

"СИЗЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ..."

Туғилиб ўсган қишлоғимни баланд тепаликлар қуршаб олган. Болалигимда шу тепаликларга чиқиб, кўз илғамас кенгликларни томоша қилиб ўтиришни яхши кўрардим. Кунчиқар томонларда саратоннинг чилласига қадар чўққиларидан қори аримайдиган Ҳисор тизма тоғлари савлат тўқиб туради. Адоқ тарафда элас-элас кўринадиган Қўнғиртов адирлари кўёш уфқга бош қўйган пайтда алвон шафақларга чулғаниб, аллақандай сирли манзарага айланади. Гўёки Қўнғиртовнинг ортида ақд бовар қилмас синоатлар яшириниб ётгандек туюлар, аллақандай ноаён куч ўша тарафларга чорлайверарди.

Қадрдон тепаликдан йигирмага яқин қишлоқни бағрига олган Чияли мавзеси ҳам қафтдагидек кўзга ташланади. Ўша пайтларда қароқ дашт бағрида тарихдек сочилиб кетган уйларнинг олдида яқкам-дуқкам қайрағочлар мунгайиб турар, чор атрофда кўпинча саргим-тир тусли, яқранг манзара ҳукмрон эди.

Бу манзараларнинг дилга жо бўлганига ҳам қанча йиллар бўлди. Хар гал қишлоққа борганимда болалигим кечган ўша тепаликларга йўл оламан. У ерда ўтириб олиб, хотирамга сингиб қолган таниш манзараларни излайман. Ана, Ҳисор чўққилари ҳамон оппоқ қорга бурканиб ётибди. Кўёш хар кун тилларанг ёғдулар таратиб, Қўнғиртовнинг ортига ботади.

Бирок Чиялининг ўша пайтдаги паришон манзарасидан асар ҳам қолмаган. Бир-бирига туташиб кетган қишлоқ боғ-роғлар, мевали дарахтлари теразорлар билан қопланган. Тоғ-тошлардан, далау қирлардан ошиб, олис йўл босиб келган канал суви офтоб нурларидан тасмадек ялтирайди. Қишлоқ ўртасидан ўтказилган асфалт йўлда машиналар оқими бир зум тинмайди, худди ша-

Адаб ва жамият

ҳардагидек! Чиялининг қоқ марказида муҳташам коллеж биноси савлат тўқиб турибди. Энг асосийси, бизнинг қишлоғимизда қисқа фурсатларда нақ иккита кўш қаватли замонавий мактаб бунёд этилган.

Бир вақтлар ўзим ўқиган одмигина мактаб ўрнида тушган муҳташам зиё масканига тикилиб ўтириб, завқим келди. Тепаликдан паства эниб, ўша томонга йўл олдим. Остона ҳафта кираканман, маъсум болалигим эсдалик қолган ажиб ҳислар кўнглимни эгаллади. Дарс пайти бўлгани учун атрофда сокинлик ҳукмрон, фақатгина кекса боғбон дарвозадан кираверишда барқ уриб очилиб ётган гулзорда кўймаланиб юрибди. Мактаб ховлисида тартиб билан экилган мевали ва манзарали дарахтлар анча етилиб қолган. Энг қизиги, кенг-мўл ховлида йигирма сотишча майдонга экилган арча туллари ҳам бехато кўкарган. Бугунги қишлоқ мактабининг бу кўркли манзарасига қараб туриб кўзларингга ишонгинг келмайди киши.

Давоми иккинчи саҳифада.

ЁШЛИК РАНГЛАРИ

Тасвирий санъатга муҳаббат ёш танламайди. Машҳур рассомлардан бири айтганидек, "Ҳамма гап истевод гуччалари қачон қуртак ёзишида". Леонардо да Винчи ўсириллик чоғидаёқ устози, машҳур рассом Андреа Верроккьонни доғда қолдиргани бизни қанчалик ҳайратга солса, Ван Гог умрининг сўнгги ўн йилда ўлмас асарлар яратиши ҳам кишини шунчалик ажаблантиради.

Мухриддин Тўхтарбоев катта ижод оламида ўзини синаб кўришга бел боғлаган истеводли рассомлардан. Ёш бўлишига қарамай, бир қатор танлов ва кўргазмаларда иштирок

этиб, ўз иқтидорини намойиш этишга муваффақ бўлди. У халқаро Амир Темур жамғармаси томонидан ўтказилган ёш рассомларнинг республика кўриги ғолиби.



Навқирон авлод сўзи

сом ижодий изланишларининг сўнгги манзили, холос. Мисол учун, таникли режиссёрларимиздан бирининг портретини чизиш учун ўндан ортиқ эскизлар ишлашга улгурибсиз. Бу яратилажак портретнинг дебечаси, шундайми?

— Ижод оддий томошабинга мавҳум жараён бўлиб кўриниши табиий ҳол. Тўғри, картинага баҳо бериш, уни яратишдан кўра осон. Бирок томошабин сифатида ижод намунасида лаззат олишининг ҳам ўзгача завқи бор.

Санъат асарининг яратилиши баланд чўққини забт этишга ўшайди. Картина рассом тасавурида яхлит ҳолда дунёга келади, деб ўйласангиз адашасиз.

Асар ғояси яхлит кўринишда тугиллиши мумкин, аммо мусаввир туйғулари ни фодолаовчи шакл бирдан пайдо бўлмайди. Гоҳида керакли тасвири топши учун ўнлаб, юзлаб қоралама нусхаларни яратишга тўғри келади. Изланиш эса мусаввир қаламини чарқлайди. Қоралама нусхада йўл қўйилган камчилик учун ҳеч қим сизни айбламайди. Аммо оқ матода шундай хато қилсангиз, буни ҳеч бир сабаб билан оқлаб бўлмайди.

Эскиз билан ишлаш рассом учун сув ва ҳаводек зарур. Ишни, аввало, қиёфа яратишдан бошлаётман. Биринчи эскизим ҳеч қачон иккинчисини такрорламайди. Қахрамоним суратини турли ракурс ва ҳолатларда чизишга ҳаракат қиламан. Шундан сўнг образ моҳиятига кириб, юздаги энг кичик ифодаларни ҳам ҳис эта бошлаётман. Эйтибор берган бўлсангиз, хар бир эскиздан сўнг қахрамон қиёфаси мукамаллашиб боради. Энди мен учун режиссёр суратини оқ матога тушириш қийин бўлмайди. Чунки қахрамонимнинг ички дунёсини, феъл-атворини тадқиқ этиш имконига эга бўлдим.

Давоми бешинчи саҳифада.

ОИЛА МУСАВВИРЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида «Мустаҳкам оила йили»га бағишланган бадий кўргазма ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, санъатшунослар, мусаввирлар, маҳаллар фаоллари иштирок этди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар мамлакатимизда оилаларга ғамхўрлик ва эйтибор кўрсатиш, навқирон авлод қалби ва онгида ватанпарварлик, меҳр-оқибат туйғулари ни мустаҳкам қарор топтириш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ҳам бу борада туркум ижодий лойиҳалар, учрашувлар, бадий, фото кўргазмалар ўтказилмоқда.

Мустаҳкам оила йилига бағишланган мазкур кўргазмада тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик йўналишида самарали меҳнат қилиб келаётган ижодкор сулолалар вакиллари асарлари намойиш этилмоқда. Уларда истиқлол йилларида оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, хотин-қизлар саломатлиги йўлидаги меҳр-эйтибор, ибратли анъана ва қадриятларимиз, Ватанимизнинг мафтункор табиати манзаралари акс эттирилган.

Назokat УСМОНОВА

Бошланғич биринчи саҳифада.

Амир Темур бобомиз тузуқларида ёзади: "Хар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуриши, мусофир йўловчилар учун йўл устига роботлар бино қилиши, дарёлар устига кўприклар барпо этиши буюрди".

Тарихнинг ҳужмини, тақдирнинг иноятини қаранг-ки, даврлар эврилиб халқимиз мустақилликка эришди. Президентимиз ташаб-

қармаси бошлиғи Маҳмуджон Жумабоев билан суҳбатлашдим. Сочлари қалин, қийқ кўзли, кенг елкали бу йигит менга куйидагиларни сўзлаб берди. — Бугунги кунда республикамизда қарийб 184 минг км. узунликдаги автомобил йўллари мавжуд. Шундан 42654 километрлик йўл умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари, 2755 километрлик автомобил йўли эса "Ўзбек миллий автомагистрали" ҳисобланади. Ушбу автомобиль йўлларига хизмат кўрса-

ниш учун деразаларига ташқаридан шолчалар ёпилган, сирти кўримсиз, чанг-тўзон билан қопланган унинг ичига кирганимизда оғзимиз лағ очилиб қолди. Уй ичи европача таъмирланган. Замонавий мебеллар, чўғдек гиламлар, юпка, ялпоқ экранли телевизор билан жиҳозлаган. Уй бекасининг дастурхони тўкин-сочин. Туя сутидан қилинган "шубат", "болқаймоқ", "сарсув"ни татиб кўрган эдик ўшанда. — Истиқлолдан, айланай, — деб дил сўзларини изҳор этган эди Кутли опа кўзлари

трансконтинентал автомагистрали"дан юрганганимизни англадим. Ҳадемай тун қоронғуси тушди. Осмонда юлдузлар порлади. Бир бекада дам олиш учун тўхтадик. "Йўл" деган сўз "юлдуз" деган сўз билан ўзақдош, келиб чиқши бир. Зотан, тунда, олис сафарларда йўлдан адашган одам юлдузларга қараб йўл топган. Йилнинг барча фаслларида нур сочиб кўриниб турган, оламга посбондек ўз ўрнидан жилмай, собит турган Олтин қозик, яъни Кутб юлдузи одамларга ҳамиша йўл кўрсатган. Уни оламнинг ўқи дейишади. Истиқлол — Ватанимиз учун кутб юлдузи.

қурилади ва реконструкция қилинади, 896 км. йўл эса 13 тонналик оғир машиналар ҳам бемалол юра оладиган тоифага ўтказилади. Бу ишлар сирасига "Бейнор — Кўнгирот — Бухоро — Навоий — Самарқанд — Тошкент — Андижон" йўналиши бўйича 1008 км. автомобиль йўлини қуриш ва таъмирлаш, Қамчиқ довони бўйлаб "Тошкент — Ўш" автомобил йўлидаги 100 км. йўлни қайта қуриш ва яроқли ҳолатга келтириш, Тошкент халқа йўли бўйлаб айланб ўтиш йўли қурилишини ниҳоясига етказиш ва шунга ўхшаш бошқа ўнлаб қурилишларни ҳам киритиш мумкин. Жумладан, 2012 йилда 517 км. автомобиль йўли, йўл ўтказгичлар қуриш мўлжалланган. Шу йилнинг ўзига 204 км. узунликдаги йўллари мукамал таъмирлаш, 3500 км. йўлни жорий таъмирдан чиқариш, 5 та йўл ҳўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш базаларини модернизация қилиш, 111 донга йўл қурилиш учун зарур бўлган замонавий техника ва механизмларни харид қилиш кўзда тутилган.

БУ ЙЎЛЛАР КЎП ЯНГИ ЙЎЛЛАР

буси билан юртимизда халқаро аҳамиятга эга бўлган улкан йўллар қурилди. Улар раво, обод, файзли. Давлатимиз раҳбарининг 1995 йил 2 июнда қабул қилинган "Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистоннинг иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро сайёҳликни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 август қарорига биноан "Европа — Осиё трансконтинентал автомагистрали"нинг юртимиздан ўтайдиган умумий узунлиги 1422 километрлик Андижон — Тошкент — Нукус, трассаси барпо этилиши мамлакатимизда нақадар буюк қурилишлар амалга оширилаётганидан далолатдир.

тиш учун "Ўзавтойўл" компанияси таркибиде ўн учта ҳудудий ташкилот, халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобил йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган етти минг тақавий таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари, 161 та туман йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йиллар давомида халқаро ва давлат аҳамиятига молик бўлган 4050 километрга яқин янги йўллар қурилди ва тубдан реконструкция қилинди. 175 та кўприк, 19 та йўл ўтказгич қурилди ва таъмирдан чиқарилди.

2011 йили "Ўзбек миллий автомагистрали" таркибига кирувчи 302,5 км. автомобиль йўли қурилди ва реконструкция қилинди, 329,5 км. умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари, 764 км. ички ҳўжалик йўллари, 68 км. намунавий уй-жой массивларига олиб борадиган ҳамда 42 км. шаҳар кўчалари таъмирланди. Бундан ташқари, Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирувчи йўллар бўйлаб 95 та йўл-сервис объеклари қурилиб фойдаланишга топширилди.



севинчдан яшнаб. — Устюртнинг очилган газ конлари туфайли рўзгоримиз янада тўкин бўлди. Булбул чаманни, инсон ватанини севар, деганларидек қадрдон гўшамиз бизга жуда азиз. У чўл ўртасида яшнаган бўстонга ўхшайди. Хонадонларимиз файзли, оилаларимиз бой. Хар биримизнинг қанчалаб туямиз, молларимиз бепоён саҳрода гиёҳ териб еб юрибди. Бу ернинг ободлиги Устюрт темир йўли ва автомобиль йўли туфайлидир. Истасак, гизиллаб Нукусга борамиз. Бизнинг йўлимиз Касбий денгизи орқали Европага чиқадиган йўл. Серкатнов, борди-келди авжиди...

ланган "Самарқанд — Қарши" йўлининг 51 километрлик қисми битказилди... Республикаимиз бўйича 152 километрлик йўлларда капитал таъмирлаш ишлари, 121 километр масофада эса ўрта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Инсон ҳаёти йўл билан боғлиқ экан, йўл юрган, йўлни билган, элдошларига йўлбошчи бўлганларнинг ҳурмати, обрў-эътибори ҳамиша баланд бўлган. Илк қадимий йўллар одамларни ибодатхонага ва маҳмамага олиб борган экан. Дарёдаги кўприкларга, денгиз қирқоқларидаги кемаларга, сирли мамлакатларга элтан йўллардан одамлар бахт ва омад излаганлар. "Мамлакатдаги барча йўллар Римга олиб боради" деган гап ҳам қадимдан қолган. Соҳибқирон Амир Темур замониде дунёдаги барча йўллар Самарқандга олиб борган. Ҳозир мустақил дийрмизининг раво ва замонавий барча йўллари Тошкентга олиб боради. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг минбарларида, халқаро спорт мусобақаларида борилмайдиган йўл ҳам Тошкентдан бошланади...

ҲАРАКАТ — БУ ҲАЁТ

Йўл бўлсин-ай, йўл бўлсин-ай... Боштан изларинг гул бўлсин-ай...

Ушбу мумтоз ашула ижро этилганида одамнинг кўз ўнгидан бепоён йўллар, олис манзиллар суврати ўтади. Бу Буюк ипак йўлида умргузаронлик қилган, йўллари дунёнинг бой мамлакатларига боғланган, қаровонлар ҳаракатидан йўллари доимо серкатнов бўлган миллатнинг ашуласи.

Йўл савдо-сотик ва маданий алоқалардан ташқари, дипломатик муносабатларни барқарорлаштиришга, тинчликни сақлашга ҳам хизмат қилади.

Ҳаракат — бу ҳаётдир, деб беҳиз айтмаганлар. Ҳаракат суръатининг тезлиги эса йўлнинг созлигига боғлиқ.

Дарё тоқшин, сувлар тўлқин, ўтолмайман-о, Манзил узоқ, отим орик, етолмайман-о. Рангинимин сарик қилган шу қалам қош-ей, Оттинимин орик қилган шу майда тош-ей.

Бугун дарёларимиз узра қурилган мухташам кўприклар элларни эллар билан боғлаб турибди. Истиқлол шарофати билан ўз йўлимизга ўзимиз беқ, ўзимиз ҳўжамиз. Юртимиздаги улкан миқёсдаги йўлсозлик ишларига эса "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси масъул. Истиқлол йилларида автомобил йўллари қурилиши соҳасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида тўхис маълумот олиш учун компаниянинг Автомобил йўлларини қуриш, таъмирлаш ва тармоқни истиқболли ривожлантириш бош-

ҚИТЪАЛАРНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

Суҳбатдошимнинг қипчоқ лаҳжасида сўзлаётганидан унинг Қорақалпоғистонда туғилиб ўсганини англадим. Чехраси кўнглидек очилиб гапирётган бу йигитга қараб Қорақалпоғистон йўллари ҳақида ўйладим. Нукусдан Кўнғиротга, Мўйноққа, сўнг бепоён Устюрт чўлларини кесиб ўтувчи қарийб 500 километрлик йўлдан микроавтобусда Ватанимизнинг энг узоқ чегарасида жойлашган "Қорақалпоғистон" кўрғонига борганимни эсладим. Тасмадек қоп-қора йўлнинг икки ёнида ёшанлар, янтоқ ва исирқиқор гуллаб ётибди. Ўрқачли туялар юри чўл ўртасида денгиздаги кемалардек юзади. Иссик август ойида Қорақалпоғистоннинг энг чекка ҳудудида ижодий учрашув ўтказиш учун боргандик. Улкан саҳронинг газчилардан иборат кичкинагина манзили фуқаролар йигини раиси Кутли опа Қўшимбетованинг уйида меҳмон бўлдик. Жазирама қуёш иссигидан ҳимояла-

Шу пайт жуда йўғон, айна пайтда мунгли бир овоз чўзиб-чўзиб ингранди: "Бў-ў-йў!!!" Хайрон бўлдим:

— Бу ниманинг овози? — Бўталоқнинг. Эмадиган вақти бўлди. Она туюни чақирапти.

"Бўтадай бўзлади" деган иборанинг маъноси нима эканини аниқ ўшанда англаб етганман. Қўра ёнига бориб бўталоқни кўрдим. У буйинчи четан девор устидан чўзиб, саҳрога боққанча ўқтин-ўқтин бўзларди. Ҳадемай қарвондек чўзилиб туялар ҳам келиб қолди...

Қадимда бу йўллардан қаровонлар катнаган. Бийдак саҳрода сувсизликдан қийналган йўловчилар бўтадек бўзлаб қудуқларга интилган. Энди бу йўллардан тезоравр автомобиль катнайди. Қитъаларни бирлаштирувчи йўл обод. Мен ўшанда "Европа — Осиё

МАМЛАКАТИМИЗ ҚОН ТОМИРЛАРИ

Мамлакатни одамга қиёсласак, йўллар унинг қон томирларидир. Томирларда оқайтган қон инсоннинг барча аъзоларини жонлантиради ва бутун вужудга ҳаёт бағишлайди. Йўлларда ҳаракатланаётган транспорт воситалари эса мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиради ва тараққий эттиради.

Келажақда она дийрмизининг йўллари энига янада кенгайди, бўйига янада узаяди. Жаҳон андозаларига мос текис, раво ва чидамли йўллар барпо этилади. Маҳмуджон Жумабоев йўлсозларнинг келажақдаги режалари ҳақида сўзлади:

— Президентимизнинг "2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги қарорига биноан 2011-2015 йиллар мобайнида "Ўзбек миллий автомагистрали" таркибига кирувчи йўлларнинг 2306 км, шу жумладан 1410 км. қисми

Дунёда хар бир инсоннинг ўз ҳаёт йўли бор. Эзгу ниятли инсоннинг йўли бахту саодатга, муродо мақсадага етказида, ёвуз ниятли инсоннинг йўли жар ёқасига бориб тугайди. Биз бунёдкор халқимиз билан бирга одимлаётган эзгулик, тинчлик ва тараққий йўли барчамизга бахт ва омад келтираверади.

"Йўл" сўзининг кишилар ёки транспорт қатнайдиган, юрадиган махсус қурилма маъносидан ташқари маслак, дунёқараш, гоё, иш-ҳаракат воситаси, усул, ижтимоий йўналиш деган маънолари ҳам бор. Шу маънода Ўзбекистоннинг ҳам ўз тараққий йўли бор. Уни Президентимиз белгилаб берган. "Ўз истиқлол ва тараққий йўлимиз — бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покликни, зиён-захматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этайдиган йўлидир.

Бу — жаҳон цивилизациясига қўшилиш, чинкам сийёсий-иқтисодий истиқлолга эришиш йўлидир", — деган эди давлатимиз раҳбари. Йигирма бир йил давомида бу йўлда улкан муваффақиятларга эришдик, дуч келган қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтдик. Бундай туб ўзгаришлар автойўл соҳасида ҳам амалга оширилаётир.

Биз бу йўллардан буюк келажақ сари олға бораверамиз!

Рустам МУСУРМОН

Бошланғич биринчи саҳифада.

Мактаб директори Тўра ака ўзининг хонасида экан.

— Қишлоғимизда бунақа мактаб қурилиши бизнинг ҳам етти улаб тушимизга қирмаган эди, — деди у киши салом-алиқдан кейин хурсанд қиёфада. — Савлатига яраша шароитлари ҳам аъло даражада. Энди фақат болаларни яхшилаб ўқитишимиз керак.

Тўра ака билан синфхоналарни айландик. Чинданам, бу ердаги шароитлар ҳавас қилгулик. Еруғ, шинам синфлар замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Қорамғиз чехралари, кўзалари қулиб турган қишлоқ болалари қатор териб қўйилган компютерларга диққат билан тикилиб, аллақандай амалларни бажаришяпти. Кимё хонасида вақтида биз фақатгина дарсликларда суратини кўриш билан чекланган ажабтовур ўқув-лаборатория ускуналари ўрнатилган. Хар бир партага яна қандайдир катта-кичик ускуналар маҳкамлашиб, қўл ювиш учун жумраклар ўрнатилган.

Баланд шифтли кишики спорт залида олоқ ятак-иштон кийган бир гала болакайлар машқ қилишяпти. Улар миллий кураш тўғраги аъзолари экан. Бу болаларнинг икки нафари яқинда кураш бўйича ўтказилган туман мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб келишибди. Спорт зали ишга тушган, мактабда бир қанча спорт тўғрақлари очилибди. Деярли хар бир ўқувчи қайсибир спорт тўғрагаги аъзо экан. Залдан чиқишда ўғил болалар ва қизлар учун алоҳида ювиниш хоналари қурилиб, энг сўнги русумдаги сув иситиш мосламаси ўрнатилган. Буниси энди шунчаки кўзқўрарга қўйилган бўлса керак деган ўй ҳаёлимдан кечди-да ишончасизлик билан ювиниш хонасининг жўмракларни бураб кўрдим. Жўмраклардан иссиқ-совуқ сув шариллаб оқиб туради. Директорнинг олдиде мулзам бўлиб қолдим.

Янги мактабни кўздан кечирига туриб, беҳитиб ўзим ўқиган даврлар

ёдимга тушди. Ўшанда биз урушдан олдинги даврларда ҳашар йўли билан паҳсадан тикланган паस्ताкани бинода ўқирдик. Синфхоналарнинг девори сомон сувоқ, наридан-берди оқлаб қўйилган, шифтида қамиш поялари осилиб турарди. Чириб қолган пол ҳадеб тешилиб қолаверганидан дуррадгор уларни ямаб улгурмасди. Болалар "социалистик мулк" бўлиши чириган полга зарар етказмаслик учун хар бир қадамни ўйлаб босишга мажбур эдилар. Ручка-қаламларимиз полнинг тирқишидан паस्ता тушиб кетишимизда ҳадисираб, уларни доим кўлимизда чангаллаб юрардик. Қайта-қайта бўёқ чалланаверганидан сирти гадир-будир тус олган, алмисқондан қолган ёғоч парталарда ўтириб дарс тинглардик.

Ўзим шохиди бўлиб, алланечук

"СИЗЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ..."

тўлқинлиб турган хозирги манзараларни кўриб беҳитиб ўша олис ўқувчилигимдаги бир дарс ёдимга тушди. Адабиёт дарси эди. "Мен танлаган касб" мавзусида иншо ёздик. Ёзилган иншоларда кимдир қосмонавт, кимдир рассом, яна кимдир шифокор бўлиш орзусида эканини изҳор қилибди. Хуллас, ҳамма болалар ўша пайтларда анча обрўли саналган касб-корларга ҳавасманд экан. — Орзуга айб йўқ, — деди муаллим иншоларимизни ўқиб бўлгач, ўйчан қиёфада. — Лекин бунақа шароитда ўқиб, одам бўлиш қийин! — муаллим тагин қўшимча қилди. — Сизларнинг бугунги кунингиз ўзига хос тарих, лекин сизлар орзудан, интилишдан тўхтамангизлар. Адабиёт ўқувчимизнинг гаплари қанчалик ачиқ бўлса-да, ҳақиқат эди. Ўшанда тўлиб-тошиб иншо ёзган болаларнинг деярли ҳаммаси мактаб маълумоти билан қолиб кетишди. Шўқри, ўша кунлар чиндан ҳам тарихга айланди. Истиқлол йилларида мамлақати-

мизда илм-маърифатни тараққий эттириш борасида оламшумул ишлар амалга оширилди. Бугун юртимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий мактаблар, коллежлар қуриллаяпти. Уларда яратилган шарт-шароитлар, ўқитиш сифати ҳам шаҳар мактаблариникидан қолишмайди. Ҳозир қишлоқлардан ҳам билимдон, интилувчан йигит-қизлар кўплаб етишиб чиқишяпти. Мамлакатимиз олий ўқув юртиларида тахсил олаётган талабаларнинг кўпчилигини қишлоқ ёшлари ташкил қилади.

Нурота туманининг чекка қишлоқларидан бирида воёга етган қизалоқ пойтахтимиздаги тиббиёт институтига ўз кучи билан ўқишга кирган эди. Биз қарийб бир пайтда ўқигандик. Кейинчалик у институтнинг бакалаврият ва магистратура босқич-

юртимизда бу борада қилинаётган ишлардан яхши хабардор экан. "Ўзбекистонда амалга оширилаётган тиббий ислохотларга ҳавас қилса арзийди. Бу кетишда юртингиз ҳадемай дунёдаги тиббиётни ривожланган, аҳоли саломатлиги юксалган давлатлар қаторидан жой олади", дейишди. Олис юрда яшайётган синчвос ҳамкасбарларимизнинг Ўзбекистон ҳақидаги бундай самимий эътирофини эшитиб, кўнглим тоғдай кўтарилди.

Мана бу ўзим гувоҳ бўлган воқеа бугун ақсарийт юрдошларимизни ажаблантирмайди. Иш юзасидан юртимизга келган хорижлик олимни пойтахтимиздаги янги қурилган коллежлардан бирига таклиф этишди.

— Бу қанадай офис? — сўрайди хорижлик меҳмон коллежнинг маҳобатли биносини кўздан кечираман.

— Бу офис эмас, ёшлар ўқийдиган коллеж, — деб жавоб беришади мезбонлар.

— Шунақами? — деди меҳмон баттар ажабланибди. — Айтинг-чи, талабалар коллежда ўқиш учун қанча пул тўлашади?

Қизикувчан меҳмонга Ўзбекистонда касб-хунар коллежларида ўқиш бепул эканини ва таълим тизимидаги бошқа қулайликлар ҳақида ҳам сўзлаб беришди.

— Бизда коллежда ўқиш жуда қиммат туради, — дейди у хайратини яширолмай. — Сизларнинг давлатингиз ёшларга шунча имконият яратиб берибди! Қойил қолмай иложинг йўқ. Очиги, ўзбек ёшларига жудаям ҳавасим келаяпти...

...Ўша кунки қишлоғимиздаги янги қурилган мактабни кўздан кечириб чиққан, мактаб директори: "Қишлоғимиздан чиққан ижодкорсиз, ўқувчиларимиз билан ҳам учрашиб кетинг", деб синфлардан бирига бошлаб кирди. Кенг, шинам синфда тизилишиб ўтирган болаларга қараб туриб, менинг ҳам тилимдан чиққан илк калом шу бўлди: — Сизларга ҳавасим келаяпти!..

ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

Ўзбекистон Давлат санъат музейида мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган ўзбек-япон дўстлик байрами ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда санъатшунослар, бастакорлар, олий ўқув юртиларининг профессор-ўқитувчилари, мусиқа ва санъат мактабларининг ўқувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон маданияти ва спорт ишлари вазири Т.Қўзиёв ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги обрўсини тобора юксалтириш, қўллаб-қувватлаш билан Ўзаро манфаатли асосда иқтисодий, маданий-маърифий ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади. Бу ҳақлар Ўзбекистон ўртасидаги маданий алоқаларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Кунчиқар юрда «Ўзбекистон фотографияси», «Буюк ипак йўли чорраҳасида» мавзусидаги кўргазмалар, турли маърифий анжуманлар, Ўзбекистон маданияти ва санъати кунлари, концертлар ўтказилиши аниъанга айланган. Айна пайтда япониялик ижодкорлар мамлакатимизда ўтаётган турли кўргазма ва биеналеларнинг фаол иштирокчисидир.

— Қўнча маданият ва илм-фан бешиги бўлган Ўзбекистондан олган таассуротларим бу замин ҳақидаги таассуротларимнинг минг чандон оширди, — дейди Токио университети талабаси Каору Инутакэ. — Ўзбеклар ўз миллий аниъана ва қадриятларида содик, санъатни гоёят теран ва нозик

ҳис этувчи, оилани, фарзандлар тарбиясини ҳамиша устун билувчи халқ эканлигига амин бўлдим.

Отани Набутаке — Япониянинг Гунма шаҳридаги «Марказий Евроосиё» дўстлик ассоциациясининг президенти.

— Хар гал юртингизга келганимда янгидан-янги ўзгаришларга гувоҳ бўлганам, — дейди О.Набутаке. — Бу табарруқ заминда илм-фан, санъат ва



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

маданият ривожини йўлида кўрсатилаётган эътибор дунёнинг ҳайрати ва ҳавасини келтиради. Шундай ажойиб диёр, унинг мафтункор табиати, самимий ва меҳнатсевар одамлари «Жонажон Ўзбекистоним» номли янги қўшиқ яратишига туртки бўлди. Дўстлик байрамида япониялик соҳиба ва хонадалар ижросида Ўзбекистон, дўстлик, ҳамжиҳатликни тараннум этувчи куй-қўшиқлардан иборат концерт дастури намойиш этилди. Тадбир доирасида Япония фото санъатига оид кўргазма бўлиб ўтди.

ЎЗА мухбири

Фафур ШЕРМУХАММАД, "Энг улук, энг азиз" кўрик-танлови ғолиби

Бошланиши биринчи саҳифада

Масалан, китобдан ўрин олган "Илоҳо, сан эурсан подшоҳо, Манга қил лутф эҳсонинг мадуро" деб бошланувчи ғазал матламининг иккинчи мисрасида вазн билан боғлиқ хатога йўл қўйилган. Мазкур ғазал арузинг ҳазаки мусаддаси маҳзүф(мафойилун, мафойилун, фаувлун) вазнида ёзилган. Аммо иккинчи мисра ушбу вазнга тушмаётти. Агар "лутф" сўзи бу ўринда "лутфу" шаклида берилганда, мисра вазни ғазал вазнига мос бўлар эди. Мисранинг мазмуни ҳам бу ерда "у" боғловчисини талаб қилмоқда.

Ушбу ғазалнинг кейинги байтлари нашрида ҳам вазнга эътибор қилинмагани оқибатида кўпол хатоларга йўл қўйилган:

- Гуноҳим беҳисобу нотовонман, Тараҳҳум айлабон афу эт, худое. Гуноҳим ўрнига айлаб савоби, Карам қил раҳматиндин, ё иллоҳо. "Нотовонман", "гуноҳим" сўзлари имло қоидаларига зид ҳолда ёзилгани кўри-ниб турибди. Бу эътибор-сизликми ёки масъулият-сизлик? Иккинчи мисрадаги "афу эт" сўзи вазн талабига кўра "афв эт" шаклида, тўртинчи мисрадаги "иллоҳо" сўзи "илоҳо" шаклида ёзилганида, ғазал вазни тўла сақланган бўлар эди.

Мазкур нашрда форсий изофани тўғри бермаслик оқибатида ҳам ғазаллар вазнига футур етган ҳоллар кўп учрайди. Масалан, "Хотирим гулзор ҳуснингни томошо айласа, // Айб эмас Мажнун сифатлик азми сахро айласа" деб бошланувчи ғазал матлаидаёқ форсий изофани тўғри бермаслик("гулзор ҳуснингни" эмас, "гулзори ҳуснингни" бўлиши керак) мазкур шеър вазнига футур етказган. Биринчи мисрадаги "томошо" сўзи ҳам вазн талабига кўра "тамошо" шаклида берилганида, мисранинг мусиқийлиги ортар эди.

Шу ғазалнинг тўртинчи байти транслитерациясида ҳам худди шунга ўхшаш хатоликка йўл қўйилган:

Тоғу ғам ишқингда қозғум ҳасрат илки билра ман, Кўхқан айб эмас ул тарк ҳоро айласа. Биринчи мисрадаги "тоғу ғам" сўзлари "тоғи ғам" шаклида, иккинчи мисрадаги "тарк хоро" бирикмаси "тарки хоро" шаклида берилганида тўғри бўлар эди. Бундан ташқари, "қозғум" сўзини "қазғум" шаклида ёзилса, мисранинг мусиқийлиги таъминланади. Байтдаги "Кўхқан" сўзининг "Кўхқан" деб берилиши ҳам хато.

Ғазалнинг олтинчи байти ҳам вазн талабларига жавоб бермайди:

Кўрса Вомиқ ушбу ҳолим менин ишқинг аро, Фарқ хайрат билон тоғу тарк даво айласа.

Байтнинг биринчи мисрасида вазн тўғри бўлиши учун бир ҳижо етмайпти; иккинчи мисрада эса "фарқи хайрат", "тарқи даво" форсий изофали бирикмаларини жорий ёзувда беришда хатоликка йўл қўйилган. Оқибатда ғазал вазнига футур етган. Иккинчи мисрада "бирда" сўзи "бирла", "даво" сўзи "даво" шаклида нотўғри ёзилганини ҳам қайд этиш лозим.

Маълумки, "алиф" ҳарфи эски ўзбек ёзувида "а" ва "о" овозли товушларини ифодалайди. Шунинг учун ҳам "алиф" ҳарфини мумтоз шеърятимизда вазн талабига кўра гоҳ "а" унлиси, гоҳ "о" унлиси сифатида ўқиш мумкин.

Вазнини теран хис қилган матншуноснинг бу борада ҳам беъэтибор бўлишга ҳаққи йўқ. Жумладан, Комёб "Девон"и нашрида ҳам, Хислат шеърларининг нашрида(Хислат. Таранум. Т., "Me'riyus", 2009) ҳам бу борада хатоликларга йўл қўйилганини таъкидлаш лозим.

Хислатнинг "Таранум" китобида шундай байт бор: Ғадолар борса они даргоҳиға ноумид ёнамс, Берур мақсуди бўлса, Хотами тайдин ишон кўрдим. Мазкур байт мавжуд бўлган ғазал ҳазаки мусамман солим вазни(мафойилун, мафойилун, мафойилун, мафойилун)да ёзилган. Вазн талабига кўра "даргоҳиға" сўзи "дарғаиға" деб ўқилиши ва ёзилиши керак эди. Аммо бу ерда мисра вазнининг мусиқийлигига футур етган.

Мазкур ғазалдан олинган куйидаги байтда ҳам шунга ўхшаш нуқсон бор:

Кўрб рухсорини кўб дафъатан ҳайрон бўлуб қолдим, Сабаб шудирки, гоҳ рўмо, гоҳ тўп, тўффи билан кўрдим. Байтнинг иккинчи мисрасидаги "гоҳ" сўзларини "гоҳ" шаклида ўқиш ва ёзиш мақсадга мувофиқдир. Чунки "гоҳ" шаклида ёзилса, у ҳолда ушбу бир бўғинли сўз аруз вазни қоидаларига кўра, ўта чўзиқ ҳижо ҳисобланади ва шеърнинг вазнини бузади. "Билан" сўзи эса, ғазал қофияси талабига кўра "билон" деб ўқилиши ва ёзилиши лозим эди.

Куйидаги байтда ҳам шеър вазнига эътибор қилинмаган: Шукр этарман ул замон ким тангрига кўрсам сани, Бўлмағай ҳеч киши пинанд, гўё манга кимё ўзинг.

Бу ўринда вазн талабига кўра "шукр этарман" сўзи "шукр этарман" шаклида ўқилиши ва ёзилиши шарт эди. Байтнинг иккинчи мисраси ҳам ғазал ёзилган

вазн – рамали мусамман маҳзүф(фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилотун)га мутлақо мос эмас. Бунда матншунослар мисрани нотўғри ўқиганлари шубҳасиздир.

Мазкур нашрда берилган куйидаги байтларда ҳам шунга ўхшаш хатолар бор:

Воқиф эмас эрди киши сирри ниҳонимдин мени, Бўлди жаҳонга ошқор бу сирри изҳорим, кўрғин...

Мажрўх таним бетоб этиб, дийламини ҳам пур об этиб, Узин дурри ноёб этиб, қайларда қолдинг кечкурун. Иккала ғазал ҳам арузининг ражази мусамман солим

(мустафъилун, мустафъилун, мустафъилун, мустафъилун) вазнида ёзилган. Биринчи байтдаги "воқиф


эрмас" сўзи вазн талабига кўра "воқиф эмас" шаклида, иккинчи байтдаги "дурри" сўзи "дури" шаклида ўқилиши ва ёзилиши лозим эди.

Худди шундай хатоларни Хожаназар Хувайдо "Девон"и нашрида ҳам (Хўжаназар Хувайдо. Девон. Т., "Янги аср авлоди", 2005) кўллаб учратиш мумкин. Бу китобда ҳам форсий изофали бирикмаларни тўғри ўқимаслик оқибатида транслитерацияда кўллаб вазн бузилишлари юзага келган. "А" ҳарфи ўрнига "о" ишлатиш натижасида вазн гўзаллигига футур етган ўринлар ҳам кўп учрайди. Масалан, "нетар" ўрнига "нетор" (36-бет), "деган" ўрнига "дегон" (37-бет), "қилмабмудим" ўрнига "қилмабмудим" (38-бет), "бўлғай" ўрнига "бўлгой" (39-бет), "ёстониб" ўрнига "ёстониб" (40-бет), "қилмағил" ўрнига "қилмоғил" (41-бет), деб ёзилгани мазкур нашр савиясига жиддий футур етказган.

Дарҳақиқат, матншунос мумтоз шеърятимиз намуналарини жорий ёзувга ўгиришдан олдин аруз вазни қоидаларини ва талабларини пухта ўрганиб, ўзининг бу борадаги илмини фаолияти давомида самарали қўллаш олиши керак. Матншунос нашрга тайёрлаётган ҳар бир шеърнинг вазнини аниқлаб олиши ва уларнинг жорий ёзувдаги нашрада тўғри берилишига жиддий диққат қилиши лозим. Қолаверса, вазнга эътиборсизлик оқибатида мумтоз шеърнинг жорий ёзувдаги нашрида кўпол хатолар юзага келиши мумкинлигини матншунос доим ёдида тутиши зарур.

Рустамжон ТОҶИБОВЕВ, Кўкон давлат педагогика институтини доценти, филология фанлари номзоиди

Мустақиллик йилларида миллий маданий мерос ва қадриятларга қайта баҳо бериш, илгари таъқиқланган диний-тасаввуфий адабиётни янги нуқтан назардан умумдабий ҳодис сифатида баҳолаш, буюк мутафаккирлар ижодини ўрганиш ва халққа етказиш ишлари йўлга қўйилди. Шундай хайрли ишлардан бири туркий дунёнинг машҳур шоири, султон ул-орифини Ҳожа Аҳмад Яссавий шахси ва ижодий меросига муносабат масаласидир. Зеро, шўролар замонидида динга қарши кураш ниқо-би остида унинг ижоди ташвиқи ҳам, ижодий меросининг ўрганилиши ҳам таъқиқлаб қўйилган. Шу боис, Яссавий меросига нисбатан бирор ижодий фикр билдирган мутахассис дарҳол мафкура исканжасига олинарди.



Хайрли қадам

"Ҳикматлар қуллиёти" нашри ҳақида

Хуллас, истиқлол туйғули маамлакатимизда Аҳмад Яссавий шахсияти ва ижодий меросига муносабат ижодий томонга ўзгарди. Натижада, мустақилликнинг 20 йиллик тарихи давомида унинг ижоди қизгин илмий баҳс-мунозаралар доирасида ўрганилиб, шу асосда юзага келган тадқиқотлар мунтазам эълон қилина бошлади.

М.Эшмухаммедова эса 2008 йили шоирнинг араб алифбосидаги "Девони ҳикмат"нинг йўл-нарсаси матнини эълон қилди.

Ушбу нашрлар мақсади, мазмун-мундарижаси, қайси тур ва жанрдаги асарларни қамраб олгани, уларда жамланган ҳикматлар микдорига кўра бири-бирдан фарқ қилади. Қолаверса, уларнинг бирортасида Яссавийнинг ўзи томонидан бир ҳикматида баён этилган: "Тўрт минг тўрт юз ҳикмат айтдим ҳақдин фардон" мисрасида айтилган микдордаги ҳикматларни қамраб олмаган. Би-нобарин, яссавийшунослар олдида, аввало, шоирнинг меросини излаш ва аниқлаш муаммоси турибди. Шу мантиқдан қаралса, Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийнинг "Ҳикматлар қуллиёти"нинг профессор Тожи Қораев ва журналист Абул Бозоров томонидан нашрга тайёрланиб, 2011 йили "Ўзбекистон" нашриёти томонидан чоп этилгани айрича қиммат касб этади. Бу қуллиёти аслида кекса журналист Абул Бозоров Туркистонда топил оlib келиб, уни ўрганиш ва нашрга тайёрлашда Т.Қораев билан ҳамкорлик қилган. Ҳажман анчайин катта бу кўлбёзга 945 саҳифадан иборат

бўлиб, Аҳмад Яссавийнинг 250, Сулаймон Боқирғонийнинг 109, шунингдек, яссавий мактабига мансуб Дарвеш Али, Шамсиддин Ҳазрат, Қул Убайдий, Холлис, Юсуф Байзоров, Қул Шариф, Аҳмадий, Шухудий сингалар шоирлар ижодида мансуб ҳикматлардан таркиб топган. Профессор Т.Қораев ва А.Бозоров ана шу "Ҳикматлар қуллиёти"ни киритил алифбосига табиқла килиб, нашрга тайёрлаш жарағида республика матбуотида Яссавий меросига оид "Аҳмад Яссавий", "Қамши қаламдаги битиклар", "Яссавий қуллиёти", "Ҳожа Аҳмад Яссавий ва Ҳожа Баҳоуддин ёди" (1993), "Бухорода яссавийхонлик ва Яссавий издошлари" (1994), "Ҳикмат сўзи маънолари ва Яссавий ҳикматларининг жанрий таркиби" (1995) сингалри мақолаларини эълон қилди. Уларда яссавийхонлик ва яссавий тарихати моҳияти, шоир ҳикматлари поэтикиси хусусида фикр юритилган. Бироқ улар бевақт оламдан ўтганига сабабли мазкур "Ҳикматлар қуллиёти" яхлит ҳолда чоп этилмай қолган. Бу борада Тожи Қораевнинг укаси, айна пайтда Навоий вилоятидаги Қизилтепа тумани "Қизилтепа тонги" газетасига кўп йиллардан бери

муҳаррирлик қилиб келаётган истеъдодли журналист Раҳимжон Мақсудов ғайрат кўрсатди. У акаси илмий-ижодий меросидан айрим сара намуналарни таллаб, 2008 йили "Танланган асарлар"ни нашр эттирди. Унинг бу ишлари алоҳида таҳсинга лойиқдир.

Таъкидлаш жоизки, Т.Қораев ва А.Бозоров нашрга тайёрлаган "Ҳикматлар қуллиёти" кўлбёзасининг босмадан чиқарилишида таниқли адабиётшунослар, филология фанлари доктори И.Ҳаққул, филология фанлари номзоидлари Э.Очилов ва С.Рафиддинов муҳим ишларни бажарганлар. Улар Т.Қораев ва А.Бозоров нашрга тайёрлаган кўлбёзадан, асосан, Яссавийнинг 175 та ва шогирди Сулаймон Боқирғонийнинг 110 та ҳикматини таллаб олиб, бошқа шоирлар ижодида мансуб намуналарни киритишни лозим топмай, тўғри йўл тутганлар. Айни чоғда Яссавий ҳикматларини мавжуд нашрлардаги нусхалари билан қиёслаб, уларда йўл қўйилган, матнлардаги нотўғри ўқилган сўзлар-теми, чалқаш ва ташлаб кетилган мисраларни, шунингдек,

Ушбу мисраларга сингдирилган фикр қанчалик асосли эканлиги борасида шоир билан баҳслашиш мумкин. Лекин шу ўринда доноларнинг: бу дунё фақат қувонч, доимий бахтиёрликдан иборат эмас, деган гапи ёдга келади.

Мана бу фарддаги фикр қутулмаган ечими билан кишини ўйга толдиради:

Кексайганда қаддинг тик тутган Савобингдир, қилиб унутган.

Шоирнинг эстетик принципи эса, мана бу иккиликда буй кўрсатган:

Демак қайдан Маҳмуднинг байти, Шеър қўлланнинг гуллаган пайти.

Маҳмуд Тоир — истиқлол шоири. Унинг «Айт энди юрагим» номли илк тўплами Ўзбекистон мустақиллигига эгизак бўлиб тугилди. Истиқлол эътиқод, ижод эркинлигига кенг йўл очиб берди. Маҳмуд Тоир дин-диён ривож топган, азиз авлиёлар етишиб чиққан Паркентда тугилиб, вояга етди. Диндаги энг аъло удумлар

ТОғлар бағрида етишган кўшиқ

Сўз санъаткори ҳақида ёзишга чоғланганда, табиийки, у ҳақида айтилган фикрлар, китобларига ёзилган тақриз-у мақолаалардан хабардор бўлишга интиласиз. Ижодкор билан замондош бўласангиз, уни тансангиз, нур устига нур. Мен Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирни қарийб қирқ йилдан бери биламан: ўқийша қиринида интихон олаганман, дарс ўтганман, интилувчи, кўзларидан ўт чақнаган талаба бўлгандан хабардорман. Ажаб, орадан бир неча ўн йиллар ўтиб, унинг қизига ҳам маърузалар ўқидим, малакавий битирув иши ҳимосида қатнашдим. Маҳмуд Тоирнинг иш фаолиятиндан ҳам хабардорман, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сифатида олиб бораётган хайрли юмушларини кузатиб бораман.

унинг шуурига болалигидан кириб келди. Зотан, Аллоҳ номи тилга олинган, унинг сифатлари мадҳ этилган асарлар диллардан дилларга кўчади:

Бу оламга ранг берар баҳор, Ҳар оҳангнинг ўз эгаси бор, Бедорларга Аллоҳ ўзи ёр, Бедорларга беринг дунёни.

Шоир эл-юрт, кўпни кўрганлар, ота-она дуосига ишорани. Дуо умрга умр қўшувчи восита, деб билади.

Ким агар Ҳақни таниб ибодат қилар бўлса, Дилнинг туб-тубида Аллоҳнинг жамоли бор.

Бадиий адабиётнинг ўзига хос ички қонун-қоидалари бўлади: давр тақозаси билан бирор-бир адабий тур, жанр жонланми қолади. Чунончи, мустақиллик даври шеърятимизда фаҳрияга эътибор ортди. Фаҳрия қалб тугёни, руй бераётган ўзгаришлар, янгилашлардан қониқиб туйғусининг бадиий ифодаси. Ҳабиб Саъдулла, Тулан Низом, Зиёвуддин Мансур сингалри ижодкорлар фаҳрия жанрида замонавий асарлар яратдилар.

Шоир Маҳмуд Тоир фаҳрия ёзаётганлар сафини «Янги Тошкентнома» дoston-фаҳрияси билан бойитди. «Янги Тошкентнома» гарчи пойттахтимиз ҳақида бўлса-да, унда Ўзбекистоннинг 21 йил ичида босиб ўтган машаққатли йўли акс эттирилган. Тантанавор, кўтаринки руҳда ёзилган бу асарда, шунингдек, миллиятимиз босиб ўтган узок мураккаб, жангу жадалларга бой тарихий йўлнинг бадиий талқини ҳам берилган.

Асарнинг номлини беихтиёр Мақсуд Шайхзода-нинг «Тошкентнома»сини ёдга солади. Унда қизил мафкура қарашлари билан шоирнинг Тошкент муҳаббати, дўст-ёрларга садоқати кўшиқлиб кетган. «Тошкентнома»ни ўқисангиз, шоир бу лирик дostonни кўзда ёш, дилда андух, лабда ниматир табассум билан ёзганига гувоҳ бўласиз. Шайхзода ҳам дostonда ўтимишга ҳаёлан сафар қилади. Лекин Амир Темур ҳақида илиқ гап айта олмайти. Шоир уламо бобаконларимиз кашфиётларини тилга олишга ботинолмайти...

Маҳмуд Тоир халқимиз тарихига теран назар ташлайди, ҳақон тамаддуни, маънавияти, маърифатига атрофлича боқади. Шоир ёзишича, хиндларнинг «Махобҳорат» дostonида, қадим хитойлик тарихчилар китоблари-нида Тошкент номи учрайди. Демак, қадимда ҳам Тошкент халқро микёсда танилган, эътироф этилган шахар бўлган.

Шоирнинг, халқни оламга олишар, санъаткорлар танитади. «Янги Тошкентнома»да буюк зотлар, Шошийлар номи, эзу ишлари тасвирланган. Зеро, Шош қадимдан илм-фан ўчоги бўлган. Шоир Хастимом, Бароҳон, Бекларбеги, Тилла Шайх, Абулқосимхон мадрасаларини тилга олади. Бу муқаддас даргоҳларда юзлаб истеъдодли инсонлар тахсил олганлар.

Шоир қалбда дoston - фаҳрия ёзиш мақсадини тугдирган омили бутунги афсонавий Тошкент қуллиётидир. Пойттахти пою-пиеда кезган зиёли одам кўнглида: «Бу ўша Тошкентми?», деган ўй кечади. Тошкент бетакор, махоббатли биналар, стадионлар, меҳмонхоналар шахрига айланди. Истиқлол даврида Тошкент тамоман янгиланди. Каминга ўтган асарнинг 60-йиллари аввалдаги Тошкентни эсламан. Анҳор, Бўрижар, Солар устидаги ёғоч кўприклар омонат, тезоб сувга тегай-тегай деб турарди. Марказий кўчаларда от, арава қатнарди. Катта кўчаларни тўлдириб майда ва қора моллар қушқонга ҳайдаб ўтиларди...

Дoston-фаҳрияда Маҳмуд Тоир мустақиллик майдони кўринишини марварид доналаридай шеърин сатрларга тизади. Асарда Мотамсаро она, Яратувчи она, турналар, арк деворлари бор салобати билан тасвирланади.

Шоир Амир Темур хиббонини, Анжуманлар саройини, сервикор меҳмонхонани суюб таърифлайди. Амир Темур хайкали, хиббонни кузатар экан, бир пайтлар бу ерда мустабид тузум қорчалонлари, «дохий»лари ҳайкаллари ҳам қўйилганини айтади. Эндиликда истиқлол шарофати туйғули Амир Темур хайкали хиббонга узукдаги кўздай ярашганини алоҳида таъкидлайди:

Амир Темур номида Хиббон бор кўп аъло, Чор тарафи улдувор, Чор тарафи нур, зно.

Аслида бу хиббон - Хуррият хиббони, Алолат нурип сочган Хур ният хиббони.

Маҳмуд Тоир юртимиздаги буюк ишларга ўз ижоди билан, жамоат арбоби сифатидаги фаоллиги билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган новатор ижодкордир. Ҳар қимга ҳам муборак ёшини Маҳмуд Тоирдай тўлиб-тошиб нишонлаш насиб ётсин.

Абдуғафур РАСУЛОВ, профессор

Улар Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийнинг ҳикматларида учрайдиган салкам 4000 сўзга луғавий-истилохий изох бериб, тасаввуфий маъноларини мукамал шарҳланганлиги, бу ҳикматларни тушуниб, англаб ўқишда қалиб вазифини бажарган.

"Ҳикматлар қуллиёти" И.Ҳаққулнинг "Ихлос ҳақдаси" номли кириш мақоласи билан очилган. С.Рафиддинов ва Э.Очиловнинг ҳамкорликда ёзган "Ҳикматлар қуллиёти" нашри ҳақида" мақоласи билан хотима топган. И.Ҳаққул Аҳмад Яссавий меросини ўрганиш тарихи ва бунда Т.Қораев ҳамда А.Бозоров томонидан топиллиб, эндиликда "Туркистон нусхаси" сифатида илмий муомалага киритилган "Ҳикматлар қуллиёти"нинг фазилатлари ва яссавийшуносликдаги аҳамиятига тўхтаган. Хотималовчи мақола муаллифлари эса, ҳақон, жумладан, Ўзбекистон кутубхоналарида сақланаётган Яссавийнинг "Ҳикмат" девонлари, ҳикматларини Яссавий оғзак айтгани, кейинчалик улар ёзиб олиниб, девонлар тартиб бериш айна-нага айлиниб боргани, нисоят

Т.Қораев ва А.Бозоров нашрга тайёрлаган "Ҳикматлар қуллиёти" кўлбёзасида йўл қўйилган хатолар ва улар қай йўсинида бартараф этилгани ҳақида аниқ мисоллар асосида қимматли илмий маълумотларни келтирилганлиги, бу мазкур нашрнинг илмий қимматини таъминлашда айрича аҳамият касб этган.

Хуллас, "Ўзбекистон" нашриёти томонидан беш минг нусхада чоп этилган "Ҳикматлар қуллиёти" ўзбек яссавийшунослигида янги воқеа бўлиши билан бирга, фидойи адабиётшунослар Тожи Қораев ва Абул Бозоровнинг порлоқ хотиралари олдидаги улкан хурмат-эҳтиром ҳам бўлди.

Охунжон САҒАРОВ, филология фанлари, профессор, Хилола САҒАРОВА, филология фанлари номзоиди, доцент.

Усмон АЗИМ, Ўзбекистон халқ шоири

ОЙНИНГ ШУЪЛАСИДАН ТАРАЛАР АНБАР

КУЗГИ ДОСТОН

Укам Холмухаммад

Кўргансиз — Сурхонми, Қашқа тарафда
Эхуд мен билмаган бошқа тарафда —
Мошида шошқиб кетар экансиз,
Югуриб келатган йўлни буйиндан
Туда-туда бўлиб отликлар борар
Қайсибир жумарнинг ўғил тўйига —

Қайсибир бир қирда улоқ чопгани
Тийрамоҳ оралаб борали улар:
Унут ёвқурликни яна топгани
(Мезонлар хаёлдай ҳазин учган пайт,
Ўзлари ҳам тушдан кўчгани монанд),
Шижоат завқини қайта топтани.

Куз пайти Сурхонми, Қашқа тарафда
Эхуд мен билмаган бошқа тарафда,
Ё турмуш ташвиши жонга теккан дам
Даштга тарафгани, тошга тарафга
Кетаркан — мошидан тушиб қарайсиз,
Ногоҳ ўзингизга кўчи қарайсиз —
“Отликлар. Куз” деган тирик суратта.

Гўё қаноти йўқ қўшдай турарсиз,
Отликлар ортидан қарайсиз ҳазин:
Уларнинг кетиши нақдлар вазнин,
Юрак кўзи билан ногоҳ кўрасиз —
Олис бир шавкатнинг тумани расмин.

Қани? Амир Темури қайси тепада?
Кўнглига йўл ишқи кўнаятгани?
Ё содиқ навкарлар олис ўлкага,
Юртининг кузагин олиб ўлжага —
Бобурнинг ортидан жўнаятгани?

Ғуссали руҳ билан уйга қайтасиз —
Умрдан бир четда нимадир қолган,
Тақдир нимадир сўровсиз олган.
Англаб ололмайсиз — ҳозир қайласиз?
Дўстларга тушунқис сўзлар айтасиз —
Бизни дунё бедод соғинчга солган!

Сукутта чўкаси. Жимсиз. Жимсиз. Жим.
Бузилиб борали вақтнинг равиши...

Ногоҳ бўзгингиздан йиртилиб чиқар
Хириллаган йиғи — бахши товуши.

ОЙДИН ТУН

Бу оқшом тунликка ҳали кўнмаган,
Ойнинг шуъласидан таралар анбар.
Балки шундай дамла оллоҳ йўлаган
Ваҳийни туйғандир илк бор пайгамбар.

Кўлкалар дарахтлар чодирасида,
Баргларида шабада мудроғи равон.
Қаҳо титраб турар — хотирасида
Гўё оятлардан қолган ҳаяжон.

Ўйларга чўлғониб ажиб кезасан,
Юрак ошкор этар юраклигини:
Масалан, шундай дам ногоҳ сезасан
Юлдузлар не учун кераклигини.

Яланг кўнгли билан озод юрибсан,
Дунёга кўринар қалбингдаги “оҳ”.
Сени тушумоқда (англаб турибсан!)
Оқшом, дарахт, юлдуз, тангри таоло.

Рухинг кўкармоқда. Назар ташлайсан:
Бу хушбахт дамларда тош қолган борми?
Бахтли бир соғинчда сеза бошлайсан
Дарахтни, юлдузни, парвардигорни.

Ойдинлик руҳингдан миянга ўтар,
Кўшиққа айланар гамнинг нолиши.
Кўнглига, кўнглига, кўнглига етар —
Сени осон топар оллоҳ равиши...

УЧРАШУВ

Сени учратсам,
Кулиб юбораман деб ўйлагандим.
Нега кулиш эсимга тушмапти?

Сени учратсам,
Йўғласам керак деб ўйлагандим.

Нега жим турибман?
Нега юрагим музлаган?

Сени учратсам,
Ер тортиш кучини йўқотади, деб ўйлагандим.
Нега ер қаърига
тортмоқда
мени?

Сени учратсам,
Учиб кетаман деб ўйлагандим.
Қайга учай? Осмон негандир
оёғининг остида
чил-парчин.

Сени учратсам,
ақлдан озаман деб ўйлагандим —
нега ақлим бунчалар жойнда?
Беҳаракат —
қилг этмайди...

Менга нима бўлган?
Мен кимман?
Ё сен бошқамман?
Ё одамни муҳаббат ташлаб кетса,
рўй берадимми
шундай ҳол?



Сирлашув.

Ойгул СУЮНДИКОВА

МЕН ҲАМ БОҒ ЯРАТДИМ ОНАМДАЙ АЗИЗ

СЕВИҢЧ

Набирам ФАЙЗБЕККА

Умрим оқайтир Вақт дарёсида,
Юрак товушимда шитоб сезаман.
Шу сезги кузининг оқ-қаросида,
Бу йўлда мен ҳали узоқ сузаман.

Қирмизи олманнинг сепкил юзлари
Қизариб кетгандай лаҳзалар зарҳал.
Ёришиб кетгандай кўнглим, юзларим
Туғилган уйимни соғинган маҳал.

Боғларда кезинан муаттар шамол,
Гулгунча лабидан сочилар ҳайрат.
Қуёш чарақлайди, сув эса зилол,
Ерда ҳам, кўкда ҳам қадим бу ҳаёт.

“Она қизим менинг, эрка сулувим,
Келди мўъжизалар кутган кезларинг!..”

Борлигимда туйдим севиңч беаллад
Бағримга босганда, набирам, сени!
Фасллар айланар, гўзалдир абад,
Биринчи қадирғоч набирам менинг...

Менинг вақтим кўнга ўхшайди,
Қанча ёзсам, оздай кўринар.
Кўкдам, ёзининг кўли бўшайди,
Кўз ҳавоси созлай кўринар.

Қириб кетсам боғлар ҳовури
Юрагимни кўйиб юбормас.
Хаёлимни шамол совириб,
Ловуллайди хазонрези сас.

Юзи тиниқ куз гулларининг
Изларида яфори оташ.
Улар интиқ, бахт йўлларини
Ишқ излайди кўзларида ёш...

Эркаганиб, ранги тозариб,
Кўкка бўйлар зарҳал дарахтлар.
Қуёш эниб борар қизариб,
Сувда тўлқин-тўлқин дастхатлар.

Инаётир шом чўқар онда
Шуълаларга оҳанглар бесўз.
Сиеҳ сачраб кетган осмонда
Чарақлади энг олис юлдуз...

Шунда нелар келмайди биттинг,
Куз гулдайи бетакрор, фақат
Бу дунёдан келмасин кетинг,
Ахир, бир бор берилар ҳаёт!..

Шудир — вақтни кўнга ўхшатган,
Қалам нозик, сатрлар хушбўй.
Ойга кўчар кўнглим бўшатган
Куз ҳавоси чалаётган куй...

Тонгга қадар чорладим сени,
Куйни сента илиндим, шеърим.
Тарк эттисин келмади мени —
Йўқдек кузининг ҳеч борар ери!..

Осмон косасидан тўлдириб бола,
Кўнглилар ҳолидан хабар ол, ёмғир.
Тўқилиб-тўқилмай турган афтода
Сен — осмоннинг боли, энг тотли шивир.

Шамол, булутларни сийкиб, мени кут
Отанинг, онаминг қабири бошида.
Дарахт барглари билан сийлаб-сийлаб ўт,
Мен ҳам йўлга тушдим, само — қошимда...

Гарди ювилади азобларимнинг,
Кўзимдан куйлар тилдан қолган ёш.
Дунё тополмади онамдан ҳам кеш,
Ота деган сўздан зиёдроқ бардош...

Сентябр янги тарихимизда Мустақиллик байрами нишонланадиган улуғ ой. Шу билан бирга, бу ой Билимлар кунини ҳам бошлаб беради. Агар олис тарихимизга назар соласак, 4 сентябр дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган беназир комусий олимимиз Абу Райҳон Беруний бобомиз таваллуд топган кун ҳам ҳисобланади. Шу муносабат билан буюк алаоманинг “Қадимги халқлардан қадимги ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Масъуд қонуни” ва бошқа кўплаб йирик асарларидан саралаб олинган ҳикматлар, ривоят ва қайдарни газетхоналар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

ИЛМЛАРНИНГ ФОЙДАСИ

ҲАМ ИККИ МИНГ ТЕРИГА ЁЗИЛГАН КИТОБ

Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида “Абисто” (“Авесто”)нинг ўн икки минг қорамол терисига тилло билан ёзилган бир нусхаси бор эди. Искандар Макдуний оташқоналарни вайрон қилиб, уларга хизмат қилувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборган эди. Шунинг учун ўша вақтдан бери “Абисто”нинг бешдан уч қисми (“яъни, ўн саккиз наски) йўқолиб кетди. “Абисто” ўттиз наск эди, мажусийлар қўлида чамаси ўн икки наск (қисм) қолди.

ЙИЛ ВА ФАСЛЛАР

Қуёшнинг буржлар фалакидаги ҳаракати ул-куллга (кулл — ҳамма, барча, бутун) қарши ҳаракат қилиб, қайси нуқта бўлса ҳам унинг ҳаракатининг бошланган жойи, деб фарз этилган нуқтага қайтиб келганига ўтган (муд-датда) йил дейилади. Йил тўрт фасл — баҳор, ёз, куз, киши ва уларнинг тўрт хил табиатларини ўз ичига олиб, қаердан бошланган бўлса, шу ерда тамом бўлади.

СУВНИНГ ШҮРЛИГИНИ КАМАЙТИРИШ

Агар шўр сувли қудуқларга яхшилаб қури-тилган мумдан бир неча ратл ташланса, сув-даги шўрлик камайиши мумкин. Хатто тажрибачилар: “Агар мумдан нозик бир идиш ясаб, денгиз сувига ташланса, озига чиқ-майди деган бўлса, унинг ичига сизиб ўтган сув, албатта, ширин бўлади”, дейдилар. Чун-чи, куз ва ёзда Тинч кўлига Нил суви кўп ара-лашса, ширин бўлади ёки аксинча, кам ара-лашса, жуда шўр бўлади.

ХУШБҮЙ СУВ

Мисрда бир тоғ этагида ибодатхона яқини-да “Пок” деб машҳур бўлган ҳовузга тоғ та-гидаги булоқдан ширин, хушбўй сув оқиб ту-ради. Қачон бирор исқирт, ифлос, кир одам унда ювинса, сувнинг таъми ўзгаради, бад-

ҳид бўлади. То суви бўшатилиб тозаланма-гунча, ўшандай ҳид чиқаверади, тозаланса хушбўйликка қайтади.

ОЧНИ ТҮЙҒАЗ

Халифа Умар ибн Абдулазиз ўғли Абдул-лоҳнинг минг дирҳамга бир қимматбахо то-шни сотиб олганини эшитиб, ўғлига хат ёзиб-ди: “Менга етиб келган хабарга қараганда, бир узук олибсан. Сенга насиҳатим шу, дарҳол ўшани сотиб, унинг қийматига мингта очнини қорнини тўйғаз. Узингга бўлса кумушдан узук қилдир, унинг кўзи ҳам ўзидан бўлсин”. Абдуллоҳ отаси айтгандай қилибди.

АЛ-ФИР КҮРҒОНИ ҲАҚИДА

Ал-Фир — Хоразм шаҳрининг чеккасида-ги лой ва хом гиштдан қурилган қалъа бўлиб бир-бирининг ичига жойлашган ва балан-ликда бир-бирдан қолишмайдиган уч қават кўрғон эди. Бу барча кўрғонлар тепасида Ямандаги Ғумдон сингари подшоҳларнинг қасрлари бор эди.

ҚАЧОН МАҚТАНАРЛИ БЎЛАДИ?

Олтин ва кумуш қадрли одамлар орасида табиий суварта эмас, балки сунъий суварта бўлади. Чунки бу иккаласи тош бўлиб, одамни очликдан тўйғазолмайди, ташна-ликни қондирилмайди, зарарни даф қилолмайди. Машаққатдан сақлай олмайди. Овқат сифатида манфаати бўлмай, инсон-ни тиклай олмаган ва унинг турини боқий қондирилмаган, кийим бўлиб одамларни ўраб асрай олмаган, иссиқ-совуқ қийинчи-ликлардан сақлай олмаган ва пана ер сифа-тида сақланишга ёрдам беролмайдиган ҳар бир нарса табиатан мақтанарли эмас. Башарти, мақтовга сазовор бўлгудай бўлса ҳам, у табиий равишда мақталмайди, балки ҳаётда зарур бўлиб, бошқанинг эҳтиёжи тушадиган нарса унинг ёрдамида бўлса, шундагина мақталади.

Тафаккур бўстони

Кўпчилик кишиларнинг табиатини пасткаш қиладиган ёмон хулқдан, ҳақиқатни кўриш-га имкон бермайдиган омиллардан ўзини то-залагач, уларнинг исбот учун келтирган сўз ва эътиқодларини бир-бирига солиштириш билан билинади. Мана шу айтиб ўтганим ҳақиқий мақсадга етказувчи энг яхши йўл ва бунга доғ туширувчи шак-шубҳани ювиб ташлаш учун энг ишончли ёрдамчидир. Гар-

чи қаттиқ уриниб, зўр машаққат чексак ҳам, ўшандан бошқа йўл билан мақсадга эришол-маймиз.

Илмларнинг фойдаси очкўзлик билан ол-тин-кумуш тўплаш учун бўлмай, балки у ор-қали инсон учун зарур нарсаларга эга бўлишдир.

СУҚРОТНИНГ ЖАВОБИ

Қадимги юнонларда терига ёзиш одати бўлмаган эди. Келтирилишича, Суқротдан бу ҳақда сўрашганда: “Илмни тирик кишилар қалбларидан ўлик кўйларнинг терларига кўчирмайман”, деган экан.

ЁМОННИНГ ҚАСОФАТИ

Бир киши, иттифоқо, ўзи танимаган бир гуруҳ билан ҳамроҳ бўлиб қолди. Бу кимса-лар қароқчилар бўлиб, бир қишлоқни босиб, хароб қилиб қайтаётган эдилар. У киши ўри-лар билан бирга бироз йўл босгач, қасос-корлар етиб келиб, уларни қўлга олди. Бу киши гарчи ўғрилораг шерик бўлмаса ҳам, уларга қўшилгани учун азобга дучор бўлди.

НОМУС

Малика Клеопатра (ўз ўлкасига ёпирилиб келатган) душман бўлиши Август кўлига ту-шиб, номуси поймол бўлишдан қўрқиб, ик-кала кўкрагига заҳарли илон қўйган экан. Унинг ҳузурига киришганда, у тож кийиб боши билан ўнг кўлига суянганча ўтирган-миш. Шу кўйи душман кўлига тушиб шарман-да бўлмасдан, обрўсини сақлаб қолган экан.

ИЛОНЛАР УЙҚУСИ

Озор (март) ойининг ўрталарида денгиз-да юриш яхши бўлади, дейишади. Худди шу пайтда илонлар қўзларини очар, лекин ҳали совуқ бўлгани сабабли кимир этмай ётар экан.

Хоразмда илонларни ер остида бир-би-рига ўралиб ётганини кўрдим. Улар худди шар сингари ўралиб ётар, кўпининг боши кўришиб ҳам турарди.

Оққуш дафтарларга машқлар қоралаб,
Болаликдан тушдим шеъринг ишқига.
Ой шуъла тараган юлдуз оралаб,
Кенгликлар туташган олис уфққа...

Шундан буён на мен, на қалам тинди,
Тақдир сийловидир уч гулим — уч қиз.
Бахт билан бир умр сингил тутидим,
Мен ҳам боғ яратдим онамдай азиз.

Саболар тилидан тушмас суюнчи,
Дунёга келганинг эшитдим тонгда.
Боламинг боласи, умрим суянчи,
Мендан бахтли одам йўқдир жаҳонда!

Кўкдам ҳавосининг ширин гулуви,
Учди менинг билан эзгу сўзларим:

МАЪРИФАТ

Маърифатдаги даражаларни бир-бири-дан ортик қўймоқчи бўлган кишилар учун шундай масал тўқилган: Қоронгу кечада шо-гирдлари билан йўлга чиққан бир киши йўл устида тик турган нарсани кўриб чўчиган ва унинг нима эканлигини аниқлашни буюрган. Бир шогирд: “Нима эканлигини билолмай-ман”, деган, иккинчиси: “Уни билишга қуд-ратим ҳам етмайди”, дея тўғриси айтган. Учинчиси эса: “Билишнинг фойдаси йўқ, чунки тонг ёришгач, маълум бўлади-қўяди” деган. Демак, уч шогирдининг маърифати қисқалик қилган. Биринчиси — илмсизлиги, иккинчиси — ожизлиги, учинчиси — ишни кейинга суриб, устозлари олдида ожиз экан-ликларини кўрсатишган. Аммо тўртинчиси аниқ жавоб бермаган ва шубҳали нарсага яқин бориб, унинг ўраллашиб кетган қовоқ палаги эканлигини кўрган ва уни тепиб юборган. Шундай қилиб, шогирд ўзининг маърифатлилиги билан устозини хурсанд этган экан.

НЕЧТА КАМОЛОТ ДАВРИ МАВЖУД

Ан-Нотилий шундай деган: “Инсон учун учта камолот даври мавжуд. Бири — балоғатга етиши, яъни ўзи каби бировнинг ундан бўли-ши мумкин бўладиган вақт бўлиб, иккинчи етти йилликнинг (собоунинг) бошидир; икин-чи “камолот” тафаккур қуввати бўлиб, унинг ақли қувватдан феълга чиқадиган вақти, яъни олтинчи етти йилликнинг бошидир; учинчи “камолот” — одам ёлғиз бўлса, ўзини, уйлан-ган бўлса оиласини, подшоҳ бўлса, фуқаро-сини қутишга ярайдиган вақти”.

Ан-Нотилий “камолот” муддатини бир юз қирқ йил деган, яъни инсон шу ёшгача яша-ши мумкин экан.

ҚУЛОҚ ВА КҮЗДАН КҮРҚАМИЗ

Жамил ал-Азарий дейди: “Хурсандчи-лик манзилида бўлсак ҳам, қулоқ ва кўздан кўриб тураемиз”. Чунки кўз куза-тувчи аъзо саналади. Қулоқ сезгиси те-

шиги роғалари эса қулоқ солади — ундан ҳеч нарса яширин қолмайди.

ҚУЁШНИНГ НЕЧТА НОМИ БОР?

Ҳиндлар биргина нарсани жуда кўп исм билан атайдилар. Мисол учун қуёшни олайлик: Айтишларича, улар қуёшга мингта ном берганлар. Араблар ҳам шер-ни мингтага яқин исм билан атаганлар. Шернинг арабча исмлардан баъзиси ўзига мувофиқ, баъзиси эса унинг ўзга-риб турадиган аҳволидан ёки ундан содир бўладиган феъллардан олинган исмлардир. Бу ҳам сиёсат.

ЁРУҒ ТОШ

Абу Башар Сайрафий бир кун тоғасини-кида қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлибди. Қизил ёқут келтиришибди. Ёқутнинг ёруғида кеча-си китоб ўқиш мумкин экан. Биллур билан қўрилган хатлар кўзга йўғонлашиб, сатрлар ораси кенгайиб кўришибди. Нима учун бун-дай кўринишини ойнак ҳақидаги китоблар ечиб беради.

ЭРА ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

Агар бир киши ўзига маълум бир эра орқали бошқа тарихни билмоқчи бўлса, ўша маълум эрани кунларга айлантисин. Бунинг мажмуи “асл” деб аталади. Кейин иккови, яъни маълум ва матлуб тарихлар бошланиши ўртасидаги (фарқ)ни олсин! Биз уни “таъдиль” деб атаймиз. Агар маълум тарих хатлар кўзга йўғонлашиб, сатрлар ораси кенгайиб кўришибди, аслдан таъдильни камайтиради: агар маълум тарих матлуб тарихдан кейин бўлса, унга таъдильни қўшади. Бунинг жами мат-луб тарих кунлари бўлади. Шу кунларда ўша тарихга тегишли йил миқдорига тақ-сим қилсин, бундан чиққанлар тўла йил-лар, қолганлари кунлардир. Бу кунларни йиллар ойларига айланттиради ва ойлар-нинг ҳар бирига биз айтиб ўтган миқдор — (кунлар)дан кераклики берилади. Ана шулар қўш қават “тайласон”да тарихлар ораларидаги кунлар бўлади. Яна Худо билимдонроқдир.

“Паризод” филми менга фариштамисол гўзал ва покыза киз ҳақида эмас, балки ўз кўзи олдидаги бахтини йўқотган йигит — Жонибек ҳақида замонавий ҳазин ривоят бўлиб туюлди. Йигит ҳаётининг қақмоқдек лов этган кичик бир кечмиши ва мантиқан англанидиган кейинги тақдирини яна бир бетакдор, ажиб бир муҳаббат қиссасини укқандек бўлдим.

Жонибек балоғат ёшига етиб, эл қатори тўй қилиб, уйланмоқ тараддудига тушган бўз йигит. У кишлоқ врач, демак, зиёли инсон. Мотоцикл кажавасини “тахтиравон” мисол безатиб олиб, кишлоқ ва унинг атрофидаги манзилларга бориб касал кўрадиган, тўғрифел, дилкаш, касбига ҳалол, чор атрофига бепарво бўлмаган навқирон йигит. Аммо қайлиқ тайин бўлгани ҳолда, юрт таомилича тўй қилиб уйланоққа даст калталик қилади. Ота аллазамонлар ўтиб кетган. “Яккақўл” муштинпаргина онанда икки фарзанд — оласию Жонибек қолиб, опа аввалроқ уй-турмуш, бола чақа қилиб тинган, навбат укага етиб, у ишда орттириб бирор тадорик қилолмай турган вазиёт. Қайлиқ Ойтуман ҳам китоблар ичида — кишлоқ кутубхонасида ишласа-да, рашкчирик феъли билан сира китоб кўрмагандек, ўзидан ўзгани ҳис этавермайдиган шунчаки бир гўзал қиз.

Асардаги бошқа барча образлар ҳам шундай — оддий, ўзига хос ва айни чоғда умумоқимдан ташқарида бўлмай, бир маромда ҳаёт кечираётган аҳли кишлоқ. Фақат Жонибек бир тасодиф билан ўзгачароқ вазиётга тўқнаш келиб ўтирибди: узокроқдаги тоғли кишлоққа касал кўргани бориб, иттифоқо ёввойи тошлар бағрида маънос, ҳаёлчан ўтирган бир паривашни кўриб, уни темир тулпорига мингизиб, ўз кишлоғига олиб келди. Она хайрон, бу нимаси деб. Негаки, топилдик қиз факуллода гўзал, паримисол эмиш. Ҳа, у ҳам, топилиши ҳам ўта сирли, ғалати, яъники паримонандлигига яна бир ишорат. Қани, шундай ғалат тасодифдан қайси қайлиқ шубҳага бормасин, жизганга чиқиб, бўлғуси куёвга заққумини сочмасин. Бемалол тушунса бўладиган аҳвол. Жонибек эса ўзи нима иш қилиб кўйганини тушунмай, Ойтуманга тушунтиролмайд қийноқда, изтиробда.

Париларга ҳар ким ҳам ҳамжинс бўлолмайди. Истаган одам паризод қизларга яқинлаша олмайди. Сабаби табиатда ғалат бир ҳодисотлар, кўзга кўринмас ё аёл бовар этавермас хусусиятлар бор. Уларни ақл билан бирон зот ҳануз тушунтиролмаган эмас. Филм қаҳрамони ҳам Жонибек еттидан борган бирор одамга хотин бўлолмайди. Расул домла қизим қатори дея жўрайт этолмас, тил қолган шофер йигит Абдурашид азбаройи фарзандлари учун никоҳига оламанд деса-да, қиз фаришталари номутаносиб жўрлашувига йўл бермайди. Ҳатто фаҳш чангалига ем қилмоқни кўзлаган Исмаил бойвачча ҳам қизга тегишига ботинолмайди. Неҳир бир монельлик тўсиқ-парда бўлаверди. Фақат ўз кишлоғидаги тўқимфеъл Бозорқал тажовузидан кейин топталган қиз иснодга чидалмай жонига қасд қилади. Шунда ҳам Бозорқал Жонибекнинг мотоциклидаги гўё Паризод учун асалган тахтиравонлар жўра улоқтириб, йўқ қилгачгина мақсадига эришади. Унгача эвнини қиллолмаётган, нафсини қондирмаётган эди.

“Тахтиравон” билан боғлиқ мажознинг филм қаҳрамонлари ҳаёти ва тақдирини дахлдор турфа маънолари бор. Умуман, филмдаги воқеалар тизими шундай тузилганки, улардаги рамзаларни, метафорога бой тасвирларни укмай туриб асарни тушуниб олиш, таҳлил этиш мумкин эмас. Ёввойи тоғлар бағрида тўйку учрайдиган маъсум гўзаллик — Паризод, тахтиравон мисол бежалган кажавали мотоцикл, никоҳ ўқишдан бош тортаётган руҳоний-мулла, “имони сусайишдан беҳад кўрқиб кетадиган” муаллим Расул домла, унинг Паризод-

ни бир кўришда севиб қолган бебош ўғли — Шавкат, Исмаил бойвачча айвонида макон-манзилни ҳис этмай, худди учмоққа шайланаётган оқушдек мажозий пластик ҳаракатлар “Паризод” филмининг оддий кўз билан кўриб бўлмаслигини англатади.

Биргина исмлардаги мазмун билан тайинтирилган мажоз — ишораларни олайлик. Қиз — Пари, “Парикишлок”дан чиққан, “нафасиндан учиб кетадиган”, “ажинақўз”, фақат тахтиравонда ўтирадиган, фариштамисол сирли малак. Жонибек — мулажа билан дардманд хасталарга даво — жон бағишловчи, аммо ўз жонига, тақдирига “бек” бўлолмаган йигит, Ойтуман — “ним қоронғу жавонлар орасидан



СУРАТДА: “Паризод” филмидан лавҳа.

чиқиб келадиган”, “ҳам ой, ҳам тўлқун” — илиг-иссиғи сезилмайдиган олис туман орттида гўзал қиз, “ҳам нозу адо, ҳам гирди бало” қайлиқ, Аллоҳ эзисига хос фазилату сифатларни ҳаёт мезонига айлантирган динёнатли, ваэмин, мулоҳазакор Расул муаллим, Майрам сатанг, “ёмон одам” — Бозорқал ва ҳокзодо, ва ҳокзодо.

Филм ана шундай мажозларни укш имконияти билан томошабини фаол муносабатга қорлайди. Қиз ҳар сафар бирор хондонда кўним топмай, “ҳайдалар” экан, у фақат Жонибекнинг мотоциклидаги “тахти”-идагина қулайроқ макон топлганини англагандек, йигитга илтижоли қараб, “нега мени ҳадеб ўзингдан нари сураверасан” деган сўзсиз бир нидони айтаётгандек туюлади. Бинобарин, Жонибек ўз тақдирдан қочаётгани, айнан бахтини ўзидан нари сураётганини томошабин ҳис этади. Филм сўнгидagi лавҳалар: тоғ этағидаги кишлоқда Жонибекнинг “Парикишлок”да ёшгина бир келинчакнинг ўзини осиб қўйгани ҳақидаги қайғули ҳақиқатни мантиқан тўла англаш учун рамзий ишора беради.

Албатта, Аюб Шаҳобидиновнинг режисёр сифатидаги нозик дидига, ўзига хос кўримларига тан бериш керак. Ижодий гуруҳ — оператор (Азиз Арзкулов)дан тортиб рассомгача (Акмал Саидов), композитордан (Убайдулла Каримов) то монтажчигача (Темур Сулейн), айниқса, актёрлар танлаш уквигача мақтовга лойиқ. Бош қаҳрамонлар Жонибек ва Паризод образини яратган Самиддин Лутфуллаев ва Зарина Низомиддинова ижросида ҳаётий табиийлик акс этади. Расул домла образидagi Бахтиёр Қосимов, Жонибекнинг онаси Тугал хола ролдаги Дилорам Каримова, Бозор қал отлим ёвз тимсолни

жонлантирган Тоҳир Саидов, Исмаил бойвачча киёфасидаги Бехзод Муҳаммадкаримов, Салима, Зиёда, Майрам опа образларида яраб ўйнаган Нафиса Тохматов, Лола Элтоева ва Вазира Юнусоваларни, Толиб Мўминов, Фарход Худойбердиев, Насрулла Нуров каби персонажларни экранга олиб чиққан актёрларни номман санамоқ эҳтиёж бор, албатта. Айниқса, Бахтиёр Қосимов ва Лола Элтоеванинг киномиздаги етук актёрлар сифатида яна бир бор ўзларини ёрқин намоеън эта билганларини, уларнинг маҳорат ва импровизация имкониятлари кучайиб, янада рангинлик касб этганини таъкидлаш ўринли. Шу билан бирга, бош қаҳрамонларини мурабба табиийлик ва ижро интизомининг дуруст эканлигини тақдор эслатиб, айнан маҳорат ва импровизация бобида уларга муайян билимларни, кўникмаларни синдириш зарурати сезилгани, филмининг жанр хусусияти факуллода поэтик тасвир ва табиий ранглар

Таққин ва таҳлил

ни талаб этишини назарда тутиб, оператор кўримларининг янада кўюроқ, оҳорли ва залворлироқ бўлиши керак эканини айтмоқ лозим. Шуларга қарамай, “Паризод” филми сўнгги йиллардаги ўзбек миллий киносининг катта ютуғи эканини таъкидлаб, аънавий ақун-хулосага келишдан аввал адиб-санъаткор тасвирларидан туғилган ҳайратни айтгиси келади одамнинг.

“Ҳа, ўша! Пешонабанди бўшалиб орқасига тушган, сочлари парижон — осмондаги тўлиноғга боқиб ўтирибди. Бамисоли иккита ой! Бир-бирига қараб тиллашяпти, бахшлашяпти... Нега сен у қадар узокда — баланддасан? Сен-чи, сен нимага пастда — тубанликда қолиб кетдинг?..”

Бир муддат ана шу муноқаша маҳлиёлик ила “қулоқ тутиб” турган, пойлоқки секингина бурилиб, изига қайтиди. (“Фаришта” киноқиссаси матнидан). Ёки

“Келинимиз рақс этаётди. Лекин дунё ўйин кўриб ҳали бунақасини учратмаган бўлса керак. Аслида бунинг ўйин ҳам деб бўлмайди. Бу бир изхори дил, бу бир шарҳи қисмат, бу бир мунгли муножот!.. Ё фалак, мени нега яратдинг? Яратган экансан, қулуқ, аммо нега хилват бир тоғу тошда бини қилибсан, нега биратўла тошга, санги заминга айлантириб қўя қолмадинг? Нега кўнгли ато этдинг менга, нега хусну милоҳат? Нега шунга муносиб бир тақдир бермадинг, дариг тутдинг? Энди мен бу тошдек бошни қайси тосга урай? Осмонларга учиб кетай деса — қанотдан қиндигин, қора ерга кирай деса... Ўзинг йўл кўрсат, ўзинг нажот бер, ўзинг, ё фалак!..” (“Фаришта” киноқиссаси матнидан).

Эркин Аъзамнинг битикларини ўқиш, укш, ҳазм қилиш осон эмас, гарчи бўлиқ ҳаётий воқеа, аниқ гоёвий мақсад, ниҳоятда ёрқин очик реалистик тасвир, истеҳзою қочиримларга ўта бой ширали тил ва яна бир талай фазилатларига қарамай, ўқиб-уқиғач, Эркин Аъзам дардларидан дардланмаслигини мумкин эмас! Адибнинг кино тилига қўнган деярли барча филмларидан сўн қалбу шуурда бир армон қолади — матн таровати, жозибаси, тағ қатламлари авжи адосига етмагандек, неҳир кемтки, неҳир айтилмай қолгандек туюлаверди. Асарлар матнидан, мутолаадан оладиганинг олам-олам мазмун, ҳис-ҳаяжонлар бир тутам бўлиб қолгандек, худди юқорида муаллиф тилидан “муноқашага маҳлиёлик ила” тўлиб-тўқилиб айтилганидек “Нега сен у қадар узокда — баланддасан?”, “Сен нимага пастда — қолиб кетдинг?” дегинг келади.

Шухрат РИЗАЕВ

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Сир эмас, бугун модерн йўналишида яратилган асарларнинг бозори қақрон. Унинг чала таъсири ҳатто мойбўёқ “таъм”ини туюшга улгурмаган айрим ёш рассомлар ижодида ҳам кўзга ташланмоқда. Аксарият тенгдошларингиздан фарқли равишда реалистик йўналишда ижод қилишни маъқул кўрасиз. Шунингдек, асарларингизда уйғонши даври санъатига тақлид ҳам сезилади. Бундай ноънавий услубни танлашингизга нима сабаб бўлди?

— Картинанинг муваффақиятини “изм”лар эмас, рассомнинг маҳорати белгилаб беради, деб ўйлайман. Чунки истеъдодли мусаввир қаламига мансуб асар қайси йўналишда бўлмасин, албатта, ўз томошабини топади. Реализм давр синовларини энгиб ўтган юксак санъат эканини тан олиш зарур. Модерн ҳам ўзига яраша олий санъат, бироқ бу йўналишда яратилган асарлар саралаб олиш қийин. Ҳатто тажрибали санъатшунослар ҳам бу жараёнда адашиши мумкин. Негаки, модернда ижод қилувчилар орасида истеъдод соҳиблари билан бир қаторда маҳорати анча заиф рассомлар ҳам учрайди. Табиий савол туғилади: нима учун бугун модерн йўналишига талаб катта? Очиғини айтганда, оддий харидор учун асарда ифодаланган шакллар ўзига хос, ранглар уйғун бўлса, бас. Бунинг устига замонавий йўналишда яратилган асарлар жой, макон танламайди. Улардан безак воситаси сифатида ҳам фойдаланиши мумкин. Реализмда эса бу масала анча нозик. Мисол учун Жорджоннинг “Уйқудаги Венера” асарини тамаддиҳона деворига осиб бўлмайди.

Айрим мутахассислар реализм мусаввирини қўлига солиб қўяди деб ҳисоблашади. Бу нотўғри қараш. Фикримча, ижодкорнинг ҳақиқий салоҳияти аниқ реализмда намоён бўлади. Рассом сифатида мени бу йўналишнинг шаклий имкониятлари кўпроқ жалб этади. Уйғониш даври санъатига ихлосимнинг сабаби ҳам шунда. Ҳатто беш аср ичида тасвирий санъат озмунча эвриллишлари бошдан кечирмадим. Аммо Уйғониш даври санъати ўз кадр-қимматини йўқотгани йўқ. Классик санъатга хос ана шу барҳаётлик мени илҳомлантиради.

— Дарҳақиқат, реализм вақт синовини энгиб ўтган, залворли йўналиш. Аммо тасвирий санъатнинг ушбу оқимида ижод қилувчиларнинг барчасига бир хил тамга уриб бўлмайди. Реализм катта дарағе қиёс қиладиган бўлса, унинг қўллаб ирмоқлари, катта-кичик ўзанлари борлигини ҳам унутмаслик лозим. Тангли актёр Гайбулла Хониев портретини томоша қила туриб, шунга амин бўлдимки, рассом сифатида соф реализмга интилмайсиз. Аксинча рамзий ифодалардан ҳам кенг фойдаланишга ҳаракат қиласиз. Картиналарингизда ҳатто юмор, сатира руҳини ҳам пайқаш мумкин.


— Баъзи санъат ихлосмандлари реализмнинг вазифаси табиатда бор нарсани рўйроқ кўрсатиб беришдан иборат, деб ўйлашади. Аслида бу жўн қараш. Рассом ҳеч бир мавзуга тасодифан мурожаат қилмайди. Бирор картинани яратишдан олдин албатта ҳаёлидан қандайдир ўй-фикрлар кечади. Ҳатто бу ўртамайна ёки шунчаки кўл чигилини ёзиш учун яратилаётган картина бўлса ҳам, мўйқаламини қўлга олиш учун алоҳида руҳият, илҳом зарур. Масалан, таникли актриса Яйра Абдуллаеванинг портретини ишлашни болалик чоғларимдаёқ орзу қилардим. Камолдин Бехзод номидagi миллий рассомлик ва дизайн институтига кирганимдан сўнг бу орзуимга эришдим. Яйра опа портретини ишлаш жараёнида театр санъати билан яқиндан танишиш имкони бўлди. Шу тариқа саҳна ижодкорларининг бир қанча портретлари дунёга келди.

Албатта, ҳар бир реалист рассом актёр портретини яратмоқчи бўлсам, аввало у ижро этган роллар билан танишиб чиқаман. Шунингдек, қаҳрамонининг оилавий муҳити,

дўстлари, ҳамкасблари ҳам эътиборимдан четда қолмайди. Чунки образ моҳиятини очишда арзимаган нарсам ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. “Гайбулла Хониев” портретига келсак, бу асарни яратишга кўп вақт сарфлаганман. Агар бошқа портретларда асосий эътибор образнинг руҳий оламига қаратилган бўлса, бу картинада рамзий ифода воситалари етакчилик қилади. Актёрни қуршаган муҳит, либос, қорамтир девор... Буларнинг

ЁШЛИК РАНГЛАРИ

лари етакчилик қилади. Актёрни қуршаган муҳит, либос, қорамтир девор... Буларнинг



“Гайбулла Хониев” портрети

барчаси тағ маънога эга бўлиб, томоша жараёнида муҳлислар уларнинг мағзини қақиб боради. Эътибор берган бўлсангиз бу асар соф портрет жанрида эмас. Одатда портретда инсон елка қисмигача тасвирланади. Бироқ мазкур картинада қаҳрамоннинг гавдаси тўлиқлигича акс эттирилган. Бундан ташқари асарда интрьердан ҳам кенг фойдаланилган. Албатта, бундай картиналарни яратиш катта меҳнатни талаб қилади. Шунга қарамай, чинакам мўйқалам сохиби ижодий экспериментлардан кўрқмаслиги керак деб ўйлайман. Чунки рассом ранг-барангликка, жанрлар қоришувига интилгани сари асарнинг бадиий савияси юксалаверади. Бунга устозларим Жавлон Умарбеков, Акмал Икромов, Бобониев Курбонов ижоди мисолида амин бўлганман. Бирор картинага қўл уришдан олдин, албатта, улар берган ўғитларни эслаيمان. Шу кунга қадар нимаики ютуқга эришган бўлсам, бунда устозларимнинг ўрни катта.

— Сухбатимиз жараёнида шунинг сездимки, бюуртма асосида портретлар ишламайсиз. Аксарият асарларингиз муаллифлик картиналари экани ҳам бунинг тасдиқлайди. Демак, рассом ўзини таъсирланган мавзуга мурожаат қилиши керак, деб ҳисоблайсиз...

— Бюуртма асарлар ишламаслигининг асосий сабаби, айрим рассомлар каби бир йилда ўттиз ёки қирқта картина яратишга интилмайман. Аксинча, битта бўлса ҳам, энг аввало, ўзимга маъқул асар яратишга ҳаракат қиламан. Тўғри, бюуртма асарлар рассомга моддий даромад келтириши, кўрғазмаларига салмоқ бахш этиши мумкин. Аммо рассомнинг турли кўрғазма залларини тўлдириб турган картиналарига синчиклаб назар ташлаш, улар орасида мустақил алоҳида намуналари бармоқ билан санарли экани маъқул бўлади. Сабаби, рассом бор салоҳиятини бюуртамачининг хоҳиш-истакларини рўёбга чиқаришга сарфлаб қўйган. Ниҳоятда ижодий изланиш сезилмайдиган, бир-бирини қайтарувчи картиналар туркуми дунёга келади.

— Албатта, ижодий эркинлик рассом учун сув ва ҳаводек зарур. Аммо бир жиҳат кишини хайратга солади. Мисол учун Уйғониш даврининг буюк рассомлари яратган “Сикстин Мадонаси”, “Венеранинг туғилиши”, “Сирли оқшом” каби юксак ижод намуналари ҳам бюуртма асосида яратилган. Шунга қарамай, улар баҳарият тарихидаги энг нодир мусаввирлик ишлари сифатида эътироф этилади.

— Тўғри, фикирингизда жон бор. Аммо мазкур асарларнинг муваффақиятини бюуртамачининг хотамтойлиги эмас, рассом омили белгилаб берган.

Рафаэл, Ботичелли, Тициан, Караваждо, Дюрер каби етук мусаввирлар, кези келганда, бюуртма асосида картиналар чизишган бўлса-да, уларнинг ўз ижодий талаблари бўлган. Сиз айтган ўша “Сирли оқшом” яратиш учун Леонардо да Винчи уч йил умрини сарфлаган. Келишувга кўра, деворий сурат ярим йил ичида тақдим этилиши лозим эди. Бироқ бюурт-

мачилар, яъни Милан черкови руҳонийларининг эътирозига қарамай, рассом ўз ижодий услубига содиқ қолиб, асарни мукамал холга келтиргандан сўнг ишни якунлайди. Мисол учун, Рим папаси бир неча йил давомида Микеланжелодан Сикстин капелласини бебеза беришни илтимос қилган. Бунинг қарангки, Микеланжело бу тақлифни қабул қилишни истамаган. Ҳа, шундай кўпчилик уни калондимокликда айблаб, қуракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаган. Бироқ кейинчалик маълум бўлишича, Микеланжело бу тақлифни қабул қилгани билан ҳақоратланган. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, Уйғониш даври рассомлари учун “бюуртма” шунчаки бир расмиятчилик бўлган. Аслида улар учун картина яратиш маънавий мажбурият эди.

— Рассомнинг режали ижод қилиши қийин. Чунки оқ матода қандай картина дунёга келишини олдиндан билишнинг иложи йўқ. Санъат асарининг яратилиши қанчалик маъқул жараён бўлмасин, рассомнинг аввалдан ўйлаб юрган мавзулари бўлади. Келгусида театр арбобларининг портрети билан чекланиб қолиш ниҳоятини йўқ, шундайми?

— Албатта, ҳар бир рассомнинг ўз ижодий максадлари, орзулари қариналари бўлади. Шу юртда ўсиб улғайган ижодкор сифатида мен ҳам ўз асарларимда замонашларимиз, бугунги кун қаҳрамонларининг теран киёфасини акс эттиришни истаيمان. Айниқса, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, “Ўзбекистон” анжуманлар саройи, “Боқий Бухоро” мажмуаси, Маънавият ва маърифат маркази каби салобатли архитектура намуналари мени руҳлантиради.

Бугун мамлакатимизда ҳалқаро кўрғазмалар ўтказиш, турли танловлар уюштириш аниқ айланган кўпчиликка маълум. Ўзбекистон санъат ҳафталиги, “Style.uz”, “Келажак овози” каби санъат анжуманларида ҳар бир ёш рассом асарларини намойиш этишни орзу қилади. Мамлакатимиз мустақиллиги арафасида Ёшлар ижод саройида ташкил этилган “Навқирон Ўзбекистон — 2012” аънавий ва замонавий санъат фестивалида ўз портретларим билан иштирок этдим. Ростини айтганда, томошабинлар орасида театр ижодкорларига қизиқиш катта экан. Кўпчилик менга устоз Абдулжаҳ Абдуллаев мактабининг давомчиси сифатида баҳо беришди. Албатта, бу эътироф мен учун юксак ишонч.

Кўриб турганингиздек, айни пайтда анги портретлар билан бандман. Умумий композиция учун эскизларим алоҳида қўлдан кўчирилган. Аммо уни оқ матога қўчиришга шояшгаётганим йўқ. Кўзининг ўрта ларида шахсий кўрғазмамни ташкил этишни режалаштирганман. Бироқ бу оддий асарлар намойиши бўлмайди. Ниҳоят кўрғазма доирасида бир асарнинг яратилишини, бунда рассом изланишлари ўрнини кўрсатиб бериш. Аниқроғи кўрғазма жараёнида тайёр асарлар билан бир қаторда уларнинг қоралама нусхалари ҳам намойиш этилади. Албатта, кейинги ижодимда бир мавзу атрофида чекланиб қолиш истагим йўқ. Айни пайтда катта бир лойиҳа устида иш бошлаганман. Очиғини айтганда, Дантенинг “Илоҳий комедия”си асосида туркум асарлар яратиш орзуим бор. Хозирча бу мавзуга мурожаат қилган рассомлар ижодини ўрганиш билан машғулман.

Азиз ИМОМОВ суҳбатлашди

НАВБАТ “САНОАТКОР” ЛАРГА!

Тўйда ўтирибмиз. Даврани олиб борувчи одатдагидек, тўй эгасини роса келиштириб мақтади, табриклиши ва тантанана очик деб эълон қилди. Сўнг: “Навбат санъаткорларга!” деди. Шу пайт ёнгинамизда ўтирган меҳмонлардан бири киноя билан: “Навбат санъаткорларга!” деб қўйди. Ҳаммамиз унга қараб кулимсираддик. Бу қарашларда гапнинг топиб айтилганини тасдиқлаш ифодаси бор эди.

Дарҳақиқат, бугун аксарият тўйларда ижро этилаётган кўй-қўшқилар санъат асосида ишлаб чиқарилаётган махсулотларга ўхшайди. Худди дастгоҳда тайёрланган минглаб детал, битта устанинг қўлидан чиққан қўллаб дурадгорлик буюми ёки тухумдай бир хил. Бирон-бир танмикли хонанда янги кўшиқ яратди, эртаси кунлик “санъаткор”лар “ижро”

этишни бошлаб юборишади. Бундай кўшиқларни олисдан эшитган киши: “Тўйга Озодбек Назарбеков келибди” ёки “Гулсанам Мамазоитовани тақлиф қилган экан-да”, деб ўйлайди. Ёки бошқа бир машҳур

Кўюнчак газетхонадан мактуб

артистини кўз олдига келтиради. Кейин билсаки... Бир томондан олиб қараганда, “отарчи” деймизми, “санъаткор” деймизми, ўз овози, ўз кўшиғи бўлмаганидан кейин нима қилсин?! Номдор кўшиқчиларнинг айтиганини тақроқлайверади-да. Бироқ тўйлардаги “санъаткор”ларнинг очикчасига ўғирлик қилишига бепарво қараб бўлмайди. Улар айблари бўлса-да, на қизаради, на бўзарди. Албатта, дидли, санъатсевар одамлар “санъаткор” кимнинг кўшигини

батдан бебаҳра эмас.

Тўри, санъатга кириб келадиган ёшлар дастлаб кимгадир тақлид қилишиб, кейин маҳорати ошиб ўз йўлларини топиб олишади. Бироқ “санъаткор”лар ўз йўли, ўз овози ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўрмайди. Бундайлар эл олдида чиқишдан аввал: “Фалон устозимнинг фалон кўшигини айтиб берамиз”, дейишса ҳам майли эди. Йўқ, бундай дейишмайди. Уларнинг “ижоди”ни кузатган баъзи ёшларда: “Мен ҳам санъаткор бўлсам бўлар экан”, деган истак пайдо бўлиши табиий.

Тўйларда кишининг ғашига тегадиган яна бир ҳолат борки, бу ҳам санъаткорларнинг эмас, балки “санъаткор”ларнинг қилиғи дейиш мумкин. Яъни, тушуниб бўлмас кўй-қўшиқнинг овози қулоқларни қоматга келтиради. Меҳмонлар беамалол суҳбатлашиб ўтира олмайди. Наҳотки, мусиқанинг овозини пайсатириб бўлмасми?

Товбой ХУЖАМБЕРДИЕВ

Мухторжон деган ота бошқа, эна бўлак иним мактабга директорликка тайинланганидан, вилоятга бориб суҳбатдан ўтадиган бўлди. "Бирга бориб келсак", деб қолди. Директор ўзимиздан чиқадиган, шу мактабда ишлайман, яна меҳнатдан олти соатлик факултатив дарс бўш турибди, деган гаплар ҳам бор, машинамга ўт қўйдим...

Яхшиям борганим, яхшиям борлигим, бўлмаса мактабимиз директорсиз қолиб кетармиди...

Қабулхонада котиба қиз икки-учта кетворган опойлар билан суҳбат қуриб ўтирган экан. Бу ер вилоят марказида, ҳамма нарсанинг тозаси бўлади. Келишимизни биров телефонда айтиб қўйганмикан, котиба дардимизни чала-чулла эшитди-да:

— Котиба турингллар, чақирингиз кирасизлар! — деди.
Хаво дим. Енги калта қўйлақда ҳам "пишиб" кетяпман. Мухторжонни қўйверасиз: қорин катта, бўй калта, зўрға елкасидан нафас оляпти. Бунинг устига катталарнинг хурматини қилиб, бўйинбоғ ҳам тақиб олган.

Ичкарида ўтирармидик, ҳовлига чиқдик. Уркининг остига скамейка қўйилган экан, ўша томон юрдик. Қориннинг бўлгани яхши, аммо унинг ҳаддан ташқари катталашини одамга унчанам наф келтирармас экан. Менимча, қорин одам ўрнидан турганда тепага, ўтирганда эса шимнинг ичига қараб ҳаракатланса керак. Мухторжон шундай скамейкага чўкканди, "тр-тр-тр, ширр!" деган овоз чиқди. У салчиб ўрнидан туриб, орқасини силай кетди. Афти шундай буришиб кетдики, сигири ўлганда ҳам бунчалик қайгурмаганди.

— Шим чокидан кетибди! — деди йиғлағудай бўлиб.
Орқасига ўтиб қарадим, "Хм!" шимнинг бир қарич жойи сўкилиб кетибди. Қора шимнинг ичидан кийган оқ

шалвари ял-ял ёниб, тешиқдан мўра-лаб турибди.

Мухторжон директор бўладиган, ҳозир суҳбатга киради. Бу ёқда шим... Уни ёчиб отиб юбориш ё оёқ остига олиб тепкилаш мумкин эмас... Бемалол рўмолчани қўлга олса бўла-верадил!

— Кўриняптими? — Мухторжон ранги оқариб сўради.

Саид АНВАР

"ПОЕЗД-ПОЕЗД"

— Хм! — дедим.

— Игна-ипингиз йўқмиди?

Иним директор бўладиган, ҳозир суҳбатга кириши керак, шими сўкилиб, панд бериб ўтирибди: худди игна-ип кўтариб юрадиган одамдай, чўнтакларини шапатилладим:

— Йўқ.

— Мен қимирламай ўтириб тураман. Сиз кириб, котибадан сўранг, игна-ипи бўлса, чеккароққа ўтиб, тикиб олармиз...

Мухторжон директор бўладиган, суҳбатга кириши керак, шими сўкилиб, панд берди, олти соатлик дарс заҳирада турибди: оёқни қўлга олиб, ичкарига гизилладим. Аммо котиба мени эшик оғида кутиб олди:

— Камолов қани? Суҳбатга кираркан!

Ортимга қараб чолдим. Чопаманда! Ичим директор бўладиган, суҳбатга чиқаришяпти, шими сўкилиб, панд бериб турибди.

— Суҳбатга!

Сўзимни эшитиб бўлғуси директорнинг афти эшилиб кетди. Буис бўлмайдими-да! Ичкарида бошқарма бошлиғи кутиб ўтирибди. Куттириш — суҳбатдан ўтолмади, деган гап!

— Қабулхонада аёллар ҳали ҳам котиба биланми?

— Ичкарини қаролмадим... Остонадан...

Иним йиғлағудай бўлиб менга бокди. Дарҳол зипилладим. Қабулхонага шундай бошимни сўкиб, ортимга чолдим.

— Ўтиришибди!

Мухторжон афти бир сиким бўлиб, ўрнидан турди. Шимнинг орқасини обдон сийпалади. Қўлим кўксимда, йўл бошладим.

— Орқамдан юринг! Шимнинг йиртигини тўсиб кетасиз!

Дарров орқаларига ўтдим. Қадамларига қадамимни мослаб ортига тиркалган вагондай ичкарига юрдим: директор бўладиган, орқаларини мен тўсмасам, ким тўсади, олти соат дарс...

— Камоловнинг бир ўзи кирсин! Сизга йўл бўлсин?

— Котибанинг бақирганига парво ҳам қилмадим. Аёллар даврасидан эсон-омон ўтиб олдик. Аммо ичкарига кириб, йиғлаб юборишимга сал қолди: қиялаб қарасам, бошқарма бошлиғига аталган курсида аёл киши ўтирибди!

— Ассалому алайкум! — деди Мухторжон.

— Ассалому алайкум! — дедим унинг ортидан бошимни кўрсатиб.

Бошқарма бошлиғи ўтирибди — салом бермасангиз, ўқитувчиликдан ҳам айрилиб қолиш мумкин.

— Ваалайкум ассалом! — бошлиқ бизга анграйиб қаради. Тўғриси айтсам, очилган оғзи ёпилмади. Сўнг у шу қизғанда ўрнидан турди. Секин-аста бизга яқинлашиб, атрофимизда айланиб, инимга бошдан-оёқ разм солди. Кейин:

— Мен Камоловни чақирган эдим, сиз нима қилиб юрисиз? — деди кўзларини менга қадаб.

— Мен, мен... Бу кишининг телохранители, яъни танқўриқчиси-дедим. Катталар сўрагандан кейин нимадир дейишим керакми, ахир? Уни устига меҳнатдан олти соат дарс бор.

Бошлиқ аёл киши бўлсаям мард экан. Шунинг учун бошқарма ни бошқаряпти-да!

— Танқўриқчи деганлари хўжайиннинг ёнида юради, шекилли? Ё сиз бу кишини фақат орқаларини пойлайсизми? — деб эркакчасига аския қилиб, йигитчасига қулиб юборди.

Менам илжайдим: бошлиқлар қулганда қараб турсанг бўлмайдими...

Кейинми? Мухторжон қизариб-бўзариб тураверди. Воқеани бир бошдан айтиб бердим. Далил сифатида шимнинг йиртилган жойини кўрсатдим. Бошлиқ аёлларнинг эрки экан котиб-котиб қулди. Бир-бир елкамга қокди.

— Хўп, ишларингга муваффақият! Аммо энди бу ердан қандай кетиб оласизлар? Котибани чақирай, тикиб берсин, алоҳида хона бор! — деди.

— Йўқ, йўқ! — деб эътироз билдирдим баралла. — Олдингизга "поезд-поезд" бўлиб кирдик, "поезд-поезд" бўлиб чиқиб оламиз!

Бошлиқ қулиб қотди. Бизам аскияни котириб қўядиган йигитларданмиз, Абдулла Акбаровлар ким бўлибди, бўш келмадик: меҳнатдан олти соат дарс бор-да!

— Унда оқ йўл сизларга, поездни ҳайданлар! — она эшикни кўрсатди.

Мухторжон олдинда, мен орқасидан доира шаклида юриб, хонани тарк этдик. Котиб қиз ҳалиям жонлар билан қулишиб ўтирган экан, уларнинг олдида "поезд-поезд" бўлиб ўтиб, машинага ётволдик.

Ҳа, олти соатлик дарс, бўлган воқеалардан оғиз очмаслик шарти билан менга берилди, бировга айтганим йўқ. Фақат ёздим, уни ким ҳам ўқирди.

Ҳажвия



риблиб бораётганини кўрсатувчи тарихий ҳақиқатлар билан танишиш имконига эга бўлади. Шу жараёнда султон Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолоддин Манғубердиннинг йигитлик даври қиёмига етиб, қорахитойлар билан бўлган жангда забардаст саркардалик маҳоратини намойиш этади. Бироқ бу чоғда тарихий вазият ниҳоятда кескинлашиб кетган, Жалолоддин мўр-малаҳдай бостириб келган Чингизхон лашкарлари билан тенгсиз курашга юзма-юз бўлганди...

Адиб асарда ана шу жараёни тарихий манбалар асосида жонлантиришга ҳаракат қилган. "Алангали лаҳзалар", "Ватан меҳри", "Парвон", "Довул", "Қирғоқдаги жанг", "Сўнгги аланга" каби боғларда саркарданнинг ёвуз боқинчиларга қарши матонатли кураши, жасоратга тўлиқ қаҳрамонлик лаҳзалари акс этган.


Мухаррир Баҳодир Каримов.

"ОНАЛАРНИ АСРАНГ"

Дунё адабиётида шундай китоблар борки, уларни жавонга тахлаб қўйиш билан мурод ҳосил бўлмайди. Бундай китобларни тез-тез қўлга олиб, меҳр билан мутулаа қилиб туриш керак. Ана шундай китоблардан бири таниқли авар шоири Расул Ҳамзатовнинг "Оналарни асранг" достони.

Йиллар ўтган сайин одам улғаяди, кўп воқеа-ҳодисалар хотирасидан ўрин олади. Улар қаторида "Оналарнинг айтган аллалари ҳам, қалблардан ўчмайди ўтса ҳам замон". Ҳақиқатан ҳам "Оналар алласи — оддий ва буюк оналар юраги — сирли бир олам". Шоир онаси Хандулай моом (1888—1965) ҳақида ўйлаганда унинг айтган аллаларини, бошида парвона бўлган кезларини, тўрт ўғилни оқ ювиб, оқ тараб воёга етказганда қувонган лаҳзаларини, икки ўғли Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганини эшитганда тишини тишига қўйиб бардош берганини, сафар олдида "Қайтишнинг соғиниб кутаман, ўғлим" деган сўзларини эсга олади. Ҳамзатовга хос ибора-ташбеҳларга бой бу достонда оналар заҳмати, оналарга бўлган меҳр-муҳаббат, оналарнинг пок тилакларини ўз ифодасини топган.

Барча оналарга мадҳия сифатида битилган "Оналарни асранг" достони "Янги нашр" нашриёти томонидан китоб ҳолида чоп этилди. Уни шоир Асрор Мўмин она тилимизга таржима қилган. Мухаррир Мирпўлат Мирзо.



Доимий ҳамроҳ

"МАНГУ ҚАЛҚОН"

Адиб ва журналист Ҳабибулла Зайнидиннинг "Асрлар садоси", "Шарқ мутафаккирлари", "Жалолоддин Манғуберди" каби тарихий эссе ва бадиалари, жаҳон адабиёти намуналаридан таржималари китобхонларга яхши маълум. Адибнинг халқ қахрамонига айланган буюк саркарда Жалолоддин Манғуберди ҳаётидан хикоя қилувчи "Мангу қалқон" тарихий романи

яқинда "Meriyus" нашриётида босмадан чиқди. Асарда тарихий воқеалар бадиий воситалар орқали ўз ифодасини топган. Китобхон асарни мутулаа қилар экан, миллодий XIII аср бошларида Ўрта Осиёда қорахонийлар давлатининг тугатилишидан тортиб, Форс Ироғидан Ҳиндистон фарбигача, Орол денгизидан Мангишлоқ ва ундан нари Хинд уммони соҳилларигача бўлган улкан ҳудуддаги қудратли Хорамшоҳлар салтанатида бошбошдоқлиқнинг авж олиши ва шу каби бошқа кескин вазиятлар оқибатида мамлакатнинг аста-секин ичдан еми-

риблиб бораётганини кўрсатувчи тарихий ҳақиқатлар билан танишиш имконига эга бўлади. Шу жараёнда султон Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолоддин Манғубердиннинг йигитлик даври қиёмига етиб, қорахитойлар билан бўлган жангда забардаст саркардалик маҳоратини намойиш этади. Бироқ бу чоғда тарихий вазият ниҳоятда кескинлашиб кетган, Жалолоддин мўр-малаҳдай бостириб келган Чингизхон лашкарлари билан тенгсиз курашга юзма-юз бўлганди...

Адиб асарда ана шу жараёни тарихий манбалар асосида жонлантиришга ҳаракат қилган. "Алангали лаҳзалар", "Ватан меҳри", "Парвон", "Довул", "Қирғоқдаги жанг", "Сўнгги аланга" каби боғларда саркарданнинг ёвуз боқинчиларга қарши матонатли кураши, жасоратга тўлиқ қаҳрамонлик лаҳзалари акс этган.

Мухаррир Баҳодир Каримов.



Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Халқаро «Отин мерос» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида Ўзбек миллий академик драма театрида

БАДИЙ ҲАМРОҲ, САҲНА СУХАНДОНЛИГИ ВА КОНФЕРАНСЪЕЛИК САНЪАТИ ИЖРОЧИЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ

Кўрик-танлов 2012 йил 13 сентябр куни соат 10.00да бошланади.

Ғолибларни тақдирлаш маросими соат 18.00да бўлиб ўтади.

Ташкилий қўмита.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ватанимиз мустақиллигининг 22 йилангига бағишланган мамлакат театрларининг

"Сенг куйлаймиз, замонаш!"

II-республика танловини эълон қилади

Танлов театрларда замонавий қаҳрамон образини яратиш, мустақилликни, миллий қадриятларимизни улуғловчи замонавий мавзулардаги спектакллари саҳналаштириш, ижодкорларнинг профессионал маҳоратларини янада такомиллаштириш, ўзаро ижодий тажриба алмашиш ҳамда томошабинларни театр санъатининг энг яхши намуналаридан баҳраманд қилиш мақсадида ташкил этилади.

Танлов 2012 йил 1-7 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Танловда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган профессионал театрларда саҳналаштирилган, замонавий қаҳрамон мавзуси акс этган турли жанрдаги спектакллари иштирок этиши мумкин.

Танловда намойиш этилган спектакллари малакали мутахассислардан иборат Ҳайбат аъзолари томонидан баҳоланади.

Ғолиблар танловнинг махсус мукофотлари билан тақдирланади.

Танлов ғолибларига битта биринчи, битта иккинчи, битта учинчи ўрин учун мукофотлар топширилади. Шунингдек, фаол иштирокчиларни турли номинациялар бўйича таъсисчиларнинг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирлаш ҳам кўзда тутилган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Тараққиёт кўчаси 51-уй, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси. Тел: 236-38-34, 233-44-08, 233-47-26

Ташкилий қўмита.



Дунё — кенг...

ОРГАНИЗМ НЕГА ОКСИДЛанаДИ ва унинг олам қандай олинсади?

Германиялик шифокорлар беморларга кўпинча: «Сиз касал эмассиз, оксидлангансиз (оксидланиш — ачиш)», дейишади. Ҳўш, одам нега оксидланади? Организмдаги барча аъзолар кислота-ишқор (pH) мувозанати бўйича катъий ўлчамларга эга. Улар ана шу ўлчамларга кўра организмни сақлаб туради. Организмдаги «ички сув», яъни артерия ва венадаги қон, лимфа, ҳужайраларо ва бўғимлардаги суюқликлар ўлчамига кўра биз ҳам ташқорлимиз.

Оксидланишга, аввало, озиқ-овқат маҳсулотлари ва уларни қайта ишлаш усули сабаб бўлади. Истеъмолбоп маҳсулотларнинг даярили 80 фоизи кислота ҳосил қилувчи неъматлардир. Бу, таомлар меъдага тушганда титилиб, парчаланиб жараёнда ишқордан кўра кўпроқ кислоталар ҳосил бўлади, деганидир.

Кўйидагилар кислота ҳосил қилувчи неъматлар: мол, қўй, парранда, чўчка гўшти; қолбаса, оқ ун маҳсулотлари, қанд-шакар, қаҳва, қора чой, алкоғоллар, пастеризацияланган шарбатлар, балиқ, денгиз неъматлари, твороғ, пишлоқ, ёноқ, пишта, дужаклилар, торт, музқаймоқ, туҳум, лимонад, қоқа ва пепси-қола.

Ишқор ҳосил қилувчи неъматлар эса, камчил. Улар сирасига мевалар ва сабзавотлар, кўкатлар, консерваланмаган янги шарбат, газланмаган маъданли сув, табиий йогурт, сут, қанай шарбати, соя ва картошка қиради.

Умуман, ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулоти энг муҳим кўрсаткич — таомнинг кислота ҳосил қилиш юкига эга. Ҳўш, дастурхондаги ичимликлар орасида қай бири кўпроқ: нордоними ёки ишқорлиси? Болаларга мўлжалланган пастеризацияланган мева шарбатлари ўта нордон, яъни кислота ҳосил қилиш юки юқори. Уларни болаларга беришдан олдин кислота ҳосил қилиш кўрсаткичларини меъёрга келтириш керак.

Водопровод ёки идишга қадоқланган ичимлик сувларга қараганда қаҳва ва чойнинг кислота ҳосил қилиш кўрсаткичи анча юқори. Яъни биз ҳар куни истеъмол қиладиган ичимликларнинг даярили ҳаммасида ишқор ўта нордон. Шунинг учун ҳам организмимиз ҳар куни кислота-ишқор мувозанатини меъёردа сақлаш учун жуда катта куч сарфлайди.

Организмнинг оксидланиши кўпбал касалликларга, энг аввало, инфаркт ва инсульта олиб келади, дейди олимлар. Саратон, остеопороз, қон босими, жигар ва буйрак фаолиятининг бузилиши, қандли диабет, атеросклероз, соч тўкилиш ҳам ана шу сабабга боғлиқ. Организм меъдага ташаббат таомлар ва суюқликлардаги ишқорлар (pH), шу жумладан, салбий редокс-потенциал (-ОВП)ни қон ва лимфалар даражасида меъёрга келтириш учун барча имкониятларини сафарбар этади. Бизнинг вазифамиз бу борада организмга кўмаклашишдан иборат. Негаки, оксидланиш жараёни шаклар(тошқоллар)ни пайдо қилади. Агар организмдаги аорта қон томири ичини шаклар қопласа, томир деворларига ёпишиб, атеросклеротик қатлам ҳосил қилади. Бундай томирлардан қоннинг ўтиши қийинлашади, оқибатда организмда қон таъминоти ёмонлашади. Оксидланиш тўғрисида шакларнинг чиқиб кетиши суъастади.

Организм шаклардан қутулиш учун қон томирлар ўзанидан уларни «тўплайдиган» жой ахтаради. Энг аввало, боғловчи ва кемирчак-тоғайли ҳужайралар ана шундай жойга айланади. Оқибатда, целлюлит ва артроз хасталиклари келиб чиқади. Сўнг навбат организмнинг ҳаёт учун муҳим аъзоларига келади — инфаркт ва инсульта шун тарихқа ривож олади.

Чунки оксидланиш қон таркибининг ўзгаришига, қон босими ошишига, юракнинг зўриқиши иллага олиб келади. Қоннинг хусусияти ўзгариши билан унинг оқими сустлашади, ҳужайра ва тўқималар кислород, озиқли модда, дармондорилар билан яхши таъминланмайди. Организм қон оқими тезлигини сақлаш учун томирлардаги босимни оширади, оқибатда гипертония келиб чиқади, юрак юқори босим билан ишлаб бошлашади.

Организм оксидланганда кислоталарни нейтраллаштирувчи ишқорий заҳираларга муттасил эҳтиёж сезадиан бўлиб қолади. Агар таомлар билан бизга ишқор ҳосил қилувчи маҳсулотлар меъдага етарли миқдорда тушмаса (ҳақиқатан ҳам бундай маҳсулотлар кам тушади), организм ўз ички заҳираларини сарфлай бошлашади. Натрий, калий, кальций, магнезий ишқор заҳираларидир. Организм бу минераллар еттишмаслигидан уларни сўяқ, тиш, сочдан ола бошлашадики, пировардида остеопороз, парадонтит, соч тўкилиши ва бошқа хасталиқлар авж олади. Остеопорозда сўяқ ҳужайралари мўртлашади. Шунинг учун шифокорлар таркибиде кальций бўлган препаратлар, бўр, турли «биологик фаол қўшимча»(БАД)ларни қабул қилишни маслаҳат беришади. Бироқ сўяқлардаги кальций қаёққа гойиб бўлганини айтишмайди. Ҳолбуки, сўяқлардаги кальцийнинг организм танамиздаги ички суюқликлар оксидланишига қарши кураш жараёнда табиий равишда сарфлаган бўлади. Шунинг учун ҳам сувлар, ишқорли (pH) ичимликларни ичиш саломатлигимизга самарали таъсир кўрсатади. Организм оксидланиш оқибатларининг олдини олиш ва даволаш учун ишқорли ёки ишқорланган (тирик, табиий) ичимлик сувини ичиб юриш керак. Уларнинг энг яхшии редокс-потенциали салбий сувлар бўлиб, улар бугунги кунда энг яхши антиоксидантлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Ионлаштирилган сув фаоллашиш жараёнида салбий ионлар тарзидаги энергия билан тўйинади. Агар шундай сувда душ, янаям яхшиси, ванна қабул қилсангиз, у ичдан сезини зарядлантиради, қонни эркин радикаллари нейтраллаштирувчи электронлар билан тўйинтиради. Салбий зарядланган сувнинг антиоксидантлик хусусияти шунда. Арманистоннинг Хунзакут чашмасидан чиқадиган тоғли «Жемрук» курортининг бутун дунёга машҳур суви ва бошқа маъданли сувлар салбий редокс-потенциалга эга. Бундай сувлар музликлардан эриб келаётган обихаётга ер ости қатламлари маъданлари қўшилиши натижасида ҳосил бўлади. Ўрта кенгликлардаги айрим ўрмон булоқлари суви ҳам салбий редокс-потенциалга эга.

Қон ва аъзо баданимиз ички муҳитидаги суюқликлардан редокс-потенциали катта суюқликлар организмга кирганда қон, ҳужайра ва тўқималардаги электронларни олиб қўяди. Натижада организмнинг биологик тузилмалари (ҳужайра мембраналари, ҳужайра органоллари, нуклеин кислотаси ва бошқалар) оксидланиш емирилишига учрайди. Ўз навбатида, оксидланиш жараёни эркин радикаллар ҳосил бўлишига олиб келади ва улар кўпгина хасталиқлар келиб чиқишининг манбаидир. Саратон, қандли диабет, нафас қисси, артритлар, атеросклероз, юрак хасталиқлари, хотира суъастийи, тромбфлебит, паритонхотирлик склерози ва бошқа хасталиқлар шу сабабга кўра пайдо бўлади.

Агар организмнинг кислота-ишқор мувозанати бузилса, ҳужайралар ўзидаги салбий потенциални ижобий потенциалга ўзгариши мумкин. Шунинг учун ҳам, салбий зарядланган ишқорли (тирик) сувларни истеъмол қилиш организм ичидеги оксидланиш-тикланиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиб, юқорида айтиб ўтилган ноҳуш ҳолатларни мувозанатга келтиради.

Интернет хабарларидан.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, режиссёрлар Маҳкам Маҳаматовга умр йўлдоши

МАЛИКА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Қашқадарё вилоят кўғирчоқ театри директори Тўрамурод Маллаевага отаси

Йўлдош отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРКАТУВИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ